

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
O‘ZBEK FILOLOGIYASI FAKULTETI

Berdiyeva Gulnoza Bahodirovna

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

MAVZU: O‘tkir Xoshimovning qissalari “Qalbingga quloq sol”

Ilmiy rahbar: f.f.n. Sh.Amonov

TOSHKENT – 2018

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....3

АСОСИЙ ҚИСМ

**1-БОБ. ЎТКИР ҲОШИМОВ ҚИССАЛАРИДА МУҲАББАТ
МАВЗУСИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ..... 8**

**2-БОБ. ҚАҲРАМОН РУҲИАТИНИ ЁРИТИШДА ИЖОДКОР
МАҲОРАТИ.....29**

ХУЛОСА.....46

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....49

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бадиий адабиётда тасвирланаётган инсон калби ва онгида рўй бераётган ўзгаришларнинг сир-синоатларини, сабаб-оқибатларини, уларнинг жамият равнақи, замондош камолотидаги ўрнини, юзага чиқарувчи ёзувчи маҳоратини ўрганиш, тадқиқ этиш лозимлиги бугунги адабиётшунослик олдига янги-янги вазифалар кўйди. Аввалги босқичларда яратилган асарларни ҳам Истиклол ғоялари билан чамбарчас алоқадорликда ўрганиш адабиётшуносликнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди.

Адабиёти тараққий топган ҳар бир халқнинг ютуқлари, қадриятлари, урф-одатлари бутун жаҳонга машҳур бўлади. Барча мамлакатлар ва халқлар томонидан кенг миқёсда эътироф этилади. Чунки Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов тўғри таъкидлаганидек: “Ҳар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлигининг, миллий руҳи ва ўзлигининг, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади”¹. Адабиётнинг умуминсоният маданияти билан чамбарчас боғланиб кетиши ва унинг бу қадар кенг оммалашувининг сабаби ҳам шунда намоён бўлади.

Ҳар бир даврнинг чинакам олимлари, ёзувчилари, мутафаккирлари ва ўз тарихчилари бўлади. Орадан йиллар ўтса-да, улар яратган илмий-маънавий мерос бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бугунги кунда ҳам яшашда, халққа хизмат қилишда давом этиб келмоқда. Шунинг учун адабиётга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг: “...енг аввало, ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетақрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва

¹ “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиётини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони. – Тошкент шаҳри, 2016-йил 13-май. / Ҳавола: www.xttt.uz // гов.уз

адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш”¹, - катта аҳамиятга молик эганлиги таъкидланади.

Замон талабларидан келиб чиққан холда халкимиз томонидан яратилган тарихий, илмий, маънавий, адабий-бадиий меросини тарғиб қилиш ва уларни ёшлар онгига сингдиришга катта эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда ёшларни маънавиятли, баркамол қилиб тарбиялашда бадиий адабиётнинг ўрни беқиёсдир. Зеро бунда Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов асарларининг ҳам ҳиссаси каттадир. Ўткир Ҳошимов бошқалардан фарқли ўлароқ ўз асарлари билан насрий баёнга лирик йўналиш, баландпарвозликдан холи кўтаринки кайфият, мусикий оҳанг олиб кирди. Мафкура тазйиқи туфайли бундай фазилатлардан маҳрум адабиётимиз бу асарларни худди эрта баҳорда очилган баҳор гулларидек соғиниб қабул қилди. Эътибор берган бўлсангиз, инсон бошига тушган энг қайғули воқеа-ҳодисаларни тасвирлаганда ҳам Ўткир Ҳошимов ўқувчиси қалбида умидбахш туйғулар уйғота олади, натижада у ҳеч қачон тушкунликка тушмайди. Бу хусусият адибнинг ҳикояларига ҳам, қиссаю романларига ҳам хос. Чунки ёзувчи ҳар бир асарининг мазмунига мос умидбахш оҳангни топиб олади.

Ўзбек адабиётининг ёрқин намояндаси, ўткир қалам соҳиби, атоқли адиб, журналист, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ўзининг серқирра ижоди билан халқ меҳрига тушган. Унинг ижод йўлига назар соладиган бўлсак, ундаги сўз ҳамда ибораларнинг уйғунлигини, бир асар ёзишидан олдин, албатта, кузатувлар асосида ҳаққоний, рўй-рост воқеалар билан очиб беришга ҳаракат қиладиган ёзувчидир. Унинг романлари, қиссалари, ҳикоялари қайси тилда бўлмасин доимо севиб, ардоқданиб ўқилади. Ёзувчининг қайси бир асарини олиб кўрмайлик, унда миллийликдан чекинмаган муҳаббат мавзуси тараннум этилади. Ижодкор асарларидаги

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарнинг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

муҳаббат мавзусини ўрганиш, тадқиқ қилиш бугунги ўзбек адабиётшунослигида долзарблик касб этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўткир Ҳошимов ижоди, бадиий образ яратиш маҳорати адабиётшуносликда атрофлича ўрганилган. И.Султонов, Ҳ.Ёқубов, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, С.Мирвалиев, Б.Назаров, У.Норматов, А.Расулов ва бошқалар қатор тадқиқотлар яратган бўлса-да, бироқ муҳаббат мавзуси, айнан, ёзувчининг “Қалбингга кулоқ сол” қиссаси мисолида шу вақтгача етарлича махсус тадқиқ этилмаган. Бу борада адиб асарлари юзасидан айрим мақолалар¹, китоблар², тадқиқотларда³ айтилган баъзи фикрлар мавжуд. Айрим диссертацияларда умуман характер яратиш хусусидаги фикрларгина берилган.

Ў.Ҳошимов ижодида муҳаббат мавзуси “Қалбингга кулоқ сол” қиссаси мисолида мазкур битирув малакавий ишда илк бор ўрганилмоқда.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Ушбу битирув малакавий ишининг мақсади Ўткир Ҳошимовнинг севги қиссаларини ўрганиб, ёзувчининг “Қалбингга кулоқ сол” қиссаси мисолида муҳаббат мавзусини очиб бериш, ҳамда таҳлил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

¹ Қўшжонов М. Онага таъзим // Қишлоқ ҳақиқати. – Тошкент, 1982. - 20 март.; Мамажонов С. Она – табиат ихтироси // Совет Ўзбекистони. – Тошкент, 1982. - 16 май.; Шарафиддинов О. Она // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1985. - 5 март.; Мирвалиев С. Она ҳақида кўшиқ // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1982. - 3 март.; Норматов У. Тақдирлар романи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1985. - 27 ноябр.; Шукуров Н. Дунёнинг ишлари // Гулистон. – Тошкент, 1982. - №3. – Б.16.; Султонова М. Оила ва ёзувчи позитсияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1980. - №5. – Б.32.; Иноғомов Р. Халқ ҳаётининг ёрқин тасвири // Қишлоқ ҳақиқати. – Тошкент, 1986. - 14 январ.; Расулов А. Роман – эхтирослар ва ҳақиқатлар дунёси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Тошкент, - 1996. -15 октябр.; Абдуллаев О. Нотаниш оролга саёҳат // Гулистон. – Тошкент, 1991. - №3. - Б. 22.

² Расулов А. Ў.Ҳошимов. «Ўзбекистон ёшлари мукофоти лауреатлари» китоби. – Тошкент: Университет, 1977.; Расулов А. Танқидчилик уфқлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985.; Расулов А. Янги замон, янги қахрамон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978.; Расулов А. Ардоқли адиб. – Тошкент: Шарқ, 2001.; Султонова М. Ёзувчи услубига доир. – Тошкент: Фан, 1973.; Каримов Ҳ. Ў.Ҳошимов. – Тошкент: Маънавият, 1998.

³ Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепсияси: Филол. фанлари доктори ... дисс. – Тошкент, 1994. – 368 б.; Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик: Филол. фанлари номзоди ... дис. – Тошкент: 1994. – 139 б.; Имомова Г.М. Типик миллий характер яратишда бадиий нутқнинг роли: Филол. фанлари номзоди... дисс.– Тошкент: 1994. – 134 б.; Имомкаримова М. Ў.Ҳошимов асарларида миллий кадрятлар талқини: Филол. фанлари номзоди... дис. – Тошкент: 2004. – 152 б.

– Ў.Ҳошимов ижодида муҳаббат мавзусининг миллатга хос етакчи фазилятларини аниқлаш;

– адиб ижодидаги муҳаббат мавзусининг бадиий тақомилини кўрсатиш;

– қахрамон характерини яратишдаги ёзувчи услуби ва ёшлар образини яратишда адиб маҳоратини кўрсатиш;

– образ ва жанр алоқадорлигидаги ёзувчи имкониятларини очиш;

– асар миллийлигини таъминлашда муҳаббат мавзусининг ўрнини кўрсатиш;

– нутқ типлари ва бадиий тилнинг характер моҳиятида тутган ўрнини кўрсатиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ёзувчининг “Қалбингга қулоқ сол” қиссасидаги муҳаббат мавзуси тадқиқот объекти вазифасини бажарди. Муҳаббат мавзусини қиёслаш учун унинг “Баҳор қайтмайди”, “Чўл ҳавоси”, “Сирли юлдуз” қиссаларига ҳам мурожаат қилинди.

Ўткир Ҳошимовнинг муҳаббат мавзусини ёритишдаги маҳоратини намоён этувчи контекст, услуб ҳамда бадиий-эстетик хусусиятлар битирув малакавий ишнинг предмети ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг методологик асоси ва методлари. Ишга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ижтимоий фанлар тараққиёти ва бадиий адабиёт ривожига доир қарашлари методологик асос қилиб олинди. Арасту, Фаробий, Гегел, В.Г.Белинский каби мутафаккир ва олимларнинг фалсафа, мантик, адабиёт назарияси ҳамда эстетикага доир асарларида акс этган қарашлари назарий асос вазифасини бажарди. Шунингдек, ишда насрий асарларда бадиий образ яратиш маҳоратини тадқиқ этган И.Султонов, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, Б.Назаров, У.Норматов, Н.Худойберганов, А.Расулов, Д.Қурононов, Б.Каримов сингари адабиётшуносларнинг илмий мулоҳазаларига

таянилди. Тадқиқотда қиёсий-типологик ва тарихий-қиёсий усуллардан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Ўткир Ҳошимов ижоди турли йўналишларда маълум маънода ўрганилган бўлса-да, ишнинг илмий янгилиги ёзувчининг “Қалбингга қулоқ сол” қиссасидаги муҳаббат мавзусининг ёритилишида ёзувчи маҳорати, адиб ижодининг миллий ўзига хослиги жиҳатидан мазкур муаммонинг илк бор мустақиллик даври эстетик-назарий қарашлари асосида ўрганилаётганлиги билан белгиланади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, икки фаслдан иборат икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. ЎТКИР ҲОШИМОВ ҚИССАЛАРИДА МУҲАББАТ МАВЗУСИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

XX асрнинг 60-йилларига келиб жамиятда янгиланишга кучли эҳтиёж сезилди. Бу янгиланиш бадиий адабиётда акс-садо бермай қолмади, албатта. Хусусан, шеърятда ҳам, насрда ҳам қисқа фурсат мобайнида инсон руҳияти талқини биринчи ўринга кўтарилди. Мазкур хусусият воқеликни бадиий тадқиқ этишнинг янги тамойилларини юзага чиқарди. Ҳаётга танқидий ёндашув ўқтин-ўқтин ижодий анъанага айланди. Эътиборлиси шуки, бу хусусият адабиётга янги кириб келаётган навқирон авлоднинг пешқадам вакиллари ижодида, айниқса, бўртиб кўринди. Ўзбек адабиёти, аниқроғи, насри ривожига Ўткир Ҳошимовнинг муносиб ўрни бор. Мустабид тузум шароитида у ўзининг ҳақ сўзи билан эл орасида эътибор қозонди. Ёзувчи ўз асарларида ҳамиша ҳақ гапни айтишга интилди.

Адабиётшунос Абдуғафур Расулов Ўткир Ҳошимов ижоди тўғрисида ёзар экан шундай фикрларни билдирган эди: “Адабий олам шундай бир ходисаки, унда ҳар ким ўзича йўл тутаяди. Бир адабиётшуносга маъқул бўлган

асар, иккинчисида эътироз туғдиради. Бир мунаққид бир асарни осмону фалакка кўтариб қўяди, бошқаси шу асардаги камчиликларни санай бошлайди... Бадиий-адабий олам ҳақидаги баҳслар алал-оқибат шу оламни яратган ёзувчини улуғлайди, унинг истеъдодини синовдан ўтказди”¹.

Эҳтимол, унинг ҳикоя, песа, романларида юзаки ўринлар бордир, аммо адиб ҳеч қачон ёлғон гап айтмаган, мустабид мафкура, сиёсат ноғорасига ўйнаб виждонини сотмаган, муросасозлик йўлига кирмаган. У ўткинчи майлларга берилмай, сўз санъатининг азалий муаммоси - шахс жумбоғи, ижтимоий адолат туйғуси ифодаси билан қизиқди. Кўпчилик адабиётшуносларнинг эътироф этишларича адабиёт оламида «насродаги тарона», «насродаги шоир» атамалари бор. Ўзбек адабиётида Абдулла Қодирий, Чўлпон ва бошқа бир қанча ёзувчилар ҳақли равишда насрнинг шоири деб ном олганлар. Замонавий ўзбек адабиётида Ўткир Ҳошимовни ҳам насрдаги шоир, етук асарларини эса насрдаги кўшиқ, тарона деб аташ мумкин. Илк қиссаси «Чўл ҳавоси»дан тортиб «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» китобига қадар барча асарларига хос муштарак жиҳат шуки, улар бетакрор, беназир сирли мусиқий оҳанг билан йўғрилган. Муаллиф кўлидаги қалам гўёки ёзмайди, балким қалами учидан сўзлар мусиқа сингари қуйилиб келади; унинг ҳикоя ва қиссалари шеърдек, дostonдек ўқилади, улар яқка созда чалинган дилрабо куйдек янграйди, романлари кўповозли симфонияни эслатади, ҳатто унинг бадиалари, публицистик мақолаларини ўқиганда инсон кўнгил хазинасининг, туйғуларининг хилма-хил жилолари мужассам, оддий маиший кечинмалардан тортиб улкан ижтимоий мушоҳадалар, кескин руҳий драмалар, фожиалар, қабоҳатлар ҳақида қалам тебратганда ҳам нафосат туйғусини асло тарк этмайди, ғоят тигиз лавҳаларда ҳам ажиб самимият, ҳазин ва нурли бир куй акс-садо бериб туради. Ўткир Ҳошимов насрини китобхонга манзур қилган жозиба сирларидан бири шунда.

¹ Расулов А. Ардоқли адиб. – Тошкент, Шарқ, 2001. 74-б.

Ўткир Ҳошимов ижодини публицистикадан бошлади, 1962 йили «Пўлат чавандоз» номли очерклар тўплами босилиб чиқди. У бадиий ижодга жуда эрта майл билдирган, 5-синфда ўқиб юрган кезларидаёқ шеърлар, ҳикоялар машқ қила бошлаган бўлса-да, «Тўрт мактуб» номли илк ҳикояси 1963 йили матбуотда босилиб чиқди. Шу ҳикоя асосида «Чўл ҳавоси» қиссаси ёзилди. «Шарқ юлдузи»да босилган бу қисса ҳақида ёш муаллиф Абдулла Қаҳҳордан мактуб олди. Улуғ адибнинг илиқ сўзлари ёш ёзувчига далда берди. Сўнг у бирин-кетин «Одамлар нима деркин», «Шамол эсаверади» қиссаларини яратди. Хусусан, «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга кулоқ сол» қиссалари адабий танқидчиликда қизғин баҳс-мунозара қўзғатди. Бу қиссалари учун у 1976 йили Ёшлар мукофотиغا сазовор бўлди.

Ўткир Ҳошимов қиссалари 60–70-йиллар миллий адабиётимиздаги илғор тамойиллар билан уйғунлиги, ўткир маънавий-ахлоқий муаммоларни дадил ўртага қўйилганлиги, энг муҳими, тасвирдаги самимият, ички жозибаси билан ажралиб туради.

Маълумки, Ўткир Ҳошимов ижодга қадам қўйган йилларга келиб мустабид тузум даври дағдағаю зуғумлари бир оз юмшаган, жамиятни демократлаштириш бошланган, эркин фикрларга қисман йўл берилган эди. Бироқ расмий доираларда, «мўтабар» минбарларда, илм-фан, радио, телевидение, матбуотда бор ҳақиқатни айтиш имконияти ҳамон чекланган эди. Бундай пайтда жамиятнинг виждони, меҳнаткаш халқнинг овози бўлиш вазифаси адабиёт, сўз усталарининг зиммасига тушди; Абдулла Қаҳҳор, О.Ёқубов, П.Қодиров, улар изидан борган Э.Воҳидов, А.Орипов, Рауф Парфи, Ш.Холмирзаевлар чиндан ҳам ҳақиқат, адолат жарчиси, халқ дилининг таржимони сифатида майдонга чиқдилар. Улар яратган энг сара асарлар ижтимоий тафаккур соҳалари – тарих, фалсафа, сотсиология, сиёсат, адабиётшунослик ва публицистика бажариши лозим бўлган талай вазифаларни ҳам адо этди. Шу тариқа адабиётда “гап айтиш”, “масала кўтариш” тамойили кучайди, муаммоли шеър, дoston, муаммоли драма,

ҳикоя, қисса, роман турлари пайдо бўлди; айна пайтда дидли, куюнчак китобхон асардан албатта “муҳим гап” кутадиған бўлиб қолди, танқидчиликда асарларни уларда кўтарилған долзарб муаммоларга қараб баҳолаш муайян удум тусини олди.

Ўткир Ҳошимов худди шу йўлдан бориб қатор публицистик мақола, ҳикоя, қиссалар яратди. “Тераклар япроқ ёзди”, “Дехқоннинг бир куни”, “Нур борки, соя бор”, “Квазарлар” каби роман, қисса, ҳикоялари асарлардан «гап кутадиған» китобхонларни ғоят ҳаяжонга солди. Мактаб болаларининг умри пахтазорда ўтаётгани, дори сепилған ғўза баргидек эрта хазон бўлаётгани, янги тушған келинчакнинг ҳаётидаги энг ширин дақиқалари эрксиз оғир меҳнат гирдобида кечаётганини, қишлоқдаги, касалхонадаги, савдо соҳасидаги, олий ўқув юртларидаги, Ўткир Ҳошимов асарларида ҳаяжон, изтироб билан қаламга олинған ҳаётий муаммолар талқини ўқувчиларни ўшандай ижтимоий иллатларга нисбатан фикрини шакллантиришда, қаҳрини кўзғатишда муҳим аҳамият касб этди.

Бу тур асарларда публицистик руҳ кучли, муаллиф ҳаёт жумбоқларига бўлған муносабатини ошқора, жўшқин ифода этади, дилдаги гапларини куюниб, ёниб баралла тўкиб солади; асарларида кўпинча-публицист газетачи сўзи билан ёзувчи тили бир-бирига қўшилиб кетади, зотан улардаги бош қаҳрамонларнинг аксарияти куюнчак зиёлилар, журналист адиблардир.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўткир Ҳошимовнинг роман, қисса ва ҳикояларида сўз санъатининг азалий бош муаммоси – инсон тақдири ва қалбининг бадий таҳлили мавжуд; муаллиф долзарб ижтимоий муаммолар талқини билан ёндош ҳолда кўп ўринларда персонаж руҳиятидаги ғоят нафис жараёнларни моҳирона ифода этади. Ўткир Ҳошимов ижоддаги илк қадамларидаёқ инсон маънавияти, руҳияти, қалб ҳақиқати тадқиқотчиси сифатида кўринған эди, “Чўл ҳавоси”, “Муҳаббат”, “Одамлар нима деркин”, “Шамол эсаверади” номли ҳикоя ва қиссалари шундан далолат беради. Кейинчалик у долзарб ижтимоий муаммолар талқинига кўпроқ мойиллик

билдириб, юқорида тилга олинган муаммоли асарларни яратган кезларида ҳам инсон образи, инсон маънавияти, руҳияти таҳлилини асло эътибордан четда қолдирган эмас. Бу жиҳатдан “Қалбингга кулоқ сол”, хусусан, “Баҳор қайтмайди”, “Дунёнинг ишлари” қиссаларини эслаш кифоя. Адабиётшунос А.Расулов шундай деб ёзади: “Дунёнинг ишлари” поетикасини алоҳида синчковлик билан ўрганиш зарур. Асарда ёзувчи маҳорати, топқирлиги, қисса жанри табиатига киритган янгилиги, энг кичик персонаж моҳиятини ҳам бир туртки, бир имо, ҳаракат билан очиб юборганлиги аниқ кўринади. Бир қарасангиз, “Дунёнинг ишлари” сентементал асардай туюлади. Аслида, унда ҳис-туйғу сероб-у, аммо зинҳор сентементал асар эмас”¹.

60–70-йиллар адабиётида адашган одамнинг фожиасини акс эттирган ўнлаб асарлар пайдо бўлди, аммо улар орасида санъат даражасига кўтарилганлари оз, жуда оз. “Баҳор қайтмайди” қиссасида ёзувчи истеъдодли, бироқ истеъдоди қадрига етмаган, етолмаган, улуғ мақсадлардан маҳрум худбин йигитнинг таназул тарихини, руҳий-маънавий инқирозини санъаткорона таҳлил этиб берди. Ана шу санъаткорона таҳлили – тасвирнинг туйғуларга бойлиги ва самимияти билан кўпчилик қалбига йўл топди, кўпларни ҳаяжонга солди. Қисса матнида бошдан-оёқ муаллифнинг ўта нозик ва нафис кузатишлари, ёзувчи қалби тебранишлари, ранг-баранг кечинмалари, завқ-шавқи, армон-ўқинчлари, қисқаси, хилма-хил туйғулар нафаси уфуриб ётибди. Мана қисса хотимасидан кичик бир парча, асар бош қаҳрамони Алимардон ҳалокатидан кейинги табиат манзараси тасвири: “Негадир шу оқшом офтоб жуда қийналиб ботди. Уфқ этагида узоқ осилиб турди-да, секин-аста ер ортига чўкиб кетди. Яна бир неча кундан кейин яйраб-яшнаб баҳор келди... Саҳий кўклам кўплар қатори Алимардоннинг ҳам қабрини буркади. Майсалар орасида очилган биттагина қизғалдоқ тонг

¹ Расулов А. Ардоқли адиб. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 87.

шудрингига қадах тутди. Эрта-индин тўкилиб кетиши, ўзидан на муаттар бўй, на мева қолишидан беҳабар ял-ял ёнди...”¹

Бу сўнгги сатрлар ададсиз алам-ўкинчлар, кўз ёшлар билан қоғозга тушгани шундоққина сезилиб турибди. Қахрамоннинг дафн кунида, ўша мотамсаро оқшом пайти қуёшнинг қийналиб ботиши, уфқ этагида узок осилиб туриши, сўнг умидсиз алфозда секин-секин ер остига ботиб кетишида дилларни хун қиладиган, кўзларга ёш келтирадиган мунгли оҳанг бор. Ҳамма ёкни нурга, рангга беаган, қахрамон қабрини майсаларга буркаган саҳий кўклам, қахрамон қабри устида ял-ял ёнган қизғалдоқ, унинг омонат умри хусусидаги нафосат тўла мунгли тасвир, бир дам яшнаб, эрта хазон бўлган инсон умри ҳақидаги хазин қўшиқнинг сўнгги нидолари, титроқлари каби эшитилади.

Ўткир Ҳошимовда нафосат туйғуси беҳад кучли. Ҳатто у алданган одамнинг маънавий инқирози, фожиаси, ҳалокати тасвирида ҳам шу туйғуни сақлаб қолади. Айниқса, у яхши, олижаноб, маънавий баркамол шахслар қалби, табиати тасвирида ўзини ниҳоятда эркин ҳис этади. Ёзувчининг ижобий қахрамонлари аксари гўдакдай беғубор, нафосат туйғусига бой, ҳиссиётчан, ўта таъсирчан одамлар. Эҳтимол, Ўткир Ҳошимов асарлари қахрамонларининг ўзбек китобхонларининг кўпчилигини асир қилган омиллардан бири шундадир. Ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқатини шафқатсиз, дағал бўёқларда ифода этадиган асарлар руҳида тарбияланган китобхонга ёзувчи асарларидаги ўта нафис, ҳиссиётга бой ифодалар, соддадил, романтик, ўта ҳиссиётчан, таъсирчан қахрамонлар бир оз китобийроқ туюлиши мумкин, начора, ёзувчининг тафаккур ва ифода тарзи барчага бирдек маъқул бўлиши шарт эмас. Бироқ адибнинг услуб тарзини бошқа бир услубий йўналишга зид келгани учун камситиш, рад этиш, ерга уриш ўринсиз. Адабиётда бадий тафаккур, ифода тарзи қанчалар ранг-баранг бўлса, шунча яхши. Адиб

¹ Ҳошимов Ў. Севги қиссалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 275-б.

асарларида персонаж талқинидаги нафосат туйғуси билан йўғрилган лиро-романтик йўналиш алоҳида жило билан намоён бўлган экан, бу ҳол миллий насримизнинг бойлигидир.

Ёзувчи ижодига хос лирик тарона унинг ”Дунёнинг ишлари” қиссасида энг баланд пардаларда жаранглади. Бу асар Она ҳақидаги, Она қалбининг чексиз саховати ҳақидаги ўзига хос қасидадир. Қисса бир қарашда автобиографик асар, ёзувчининг ўз болалик йиллари, ёшлик, йигитлик даври хотиралари, онаси, қариндош-уруғлари, таниш одамлар ҳаётидан баҳс этади. Унда хилма-хил воқеалар ҳикоя қилинади, бироқ асар марказида Она образи туради. Асардаги она фарзанди, фарзанди ороми, бахти учун жонини, жаҳонини беришга тайёр минг-минглаб оналаримизнинг тимсолига айланди.

Қисса завқ-шавқ билан шоирона ёзилган. ”Дунёнинг ишлари”ни қисса эмас, дoston деб аташни истардим, – дейди Саид Аҳмад. – У кўшиқдай ўқилади. Уни ўқиб туриб ўз оналаримизни эслаб кетамиз. Шу мушфик, шу жафокаш оналаримиз олдидаги бир умр узиб бўлмас қарзларимизнинг ақалли биттасини уза олдикми, деган бир андиша, бир савол кўз олдимизда кўндаланг туриб олади. Қисса бизни инсофга, инсонни кадрлашга, ҳурмат қилишга чақиради”. Ёзувчи ўз онасининг чексиз қалб саховатлари ҳақида сўз очар экан, айти вақтда уни етарлича кадрлай олмаганидан афсусланади.

Қисса бир-бири билан узвий боғланган мустақил воқеий ҳикоялардан ташкил топади. Дунёнинг ишлари» бошдан-оёқ ниҳоятда ёрқин, ажиб бир миллий бўёқлар билан жилоланган. Айти пайтда асар теран бир умуминсоний, байналминал туйғулар билан йўғрилган. Қиссада шундай мулоҳазалар бор: ”Эҳтимол, дунёнинг бу четида туриб бир одам ўз севгилисига айтган дил розини дунёнинг нариги чеккасидаги бошқа бир одам тушунмас. Эҳтимол, дунёнинг бу четида туриб бир одам айтган кўшиқни дунёнинг нариги чеккасидаги бошқа бир одам тушунмас. Эҳтимол, дунёнинг бу чеккасида туриб бир одам айтган оқилона фикрни дунёнинг нариги

чеккасидаги бошқа бир одам тушунмас. Бироқ дунёнинг бу чеккасида туриб Она айтган аллага дунёнинг нариги чеккасидаги гўдак бемалол ором олади».

Она алласининг сирли-сеҳрли кучини муаллиф аввало Аллоҳ сўзи – Қуръони карим оятлари тиловати садоси билан қиёс қилади. Қабристондаги хужра томонидан тиловат садоси эшитилади, худди шу пайт ҳовли томондан она алласи янграйди: ”Раббано-о-о, раббано-о-о... ” ”Аллаё, алла... ” Ҳикоячи ажиб бир ҳолатга тушади ”Бир томонда тиловат садоси, бир томонда алла... Ажаб, улар бир-бирига ҳалақит бермас, бир-бирини рад этмас”. Орада қандайдир сирли муштараклик мавжуд.

Қисса муаллифи онасидан алла эшитган дақиқалардаги ҳолатини эслаб кетади; Она айтган сатрлар оддий кўшиқ эмас, унинг овозида қандайдир бошқа нарса, мунгми, илтижоми, тингловчи қалбини асир этадиган илоҳий сеҳр борлигини уқтиради; ”Кейин катта бўлганимда ҳам қаерда алла эшитсам, юрагим ширин орзиқиш билан талпиниб кетар, нега бунақа бўлаётганини ўзим билмас эдим”, деб ёзади.

Ёзувчи дунёнинг икки чеккасида ўзи гувоҳ бўлган икки ҳодисани – сафар чоғи қирғиз ўтовидида қирғиз аёл айтган алла ва олис Кисловодскда сибирлик жувондан алла эшитган чоғдаги ғаройиб ҳолати – юракдаги ширин орзиқиш туйғуларини тўкиб солади. Қирғиз ва рус аёлларининг ўз она тилларида айтган дил розлари муаллиф қалбини онасидан эшитган алла каби туғёнга солади, аллалайди. Шу тариқа ёзувчи воқеа-ҳодисларни шунчаки ҳикоя қилиб бермайди, ҳодиса билан боғлиқ туйғуларнинг ажиб сеҳрини, нафосатини китобхон қалбига олиб киришга муваффақ бўлади. Қиссанинг деярли барча боблари айна шу руҳда битилган.

Ўткир Ҳошимов дастлабки асарлари биланоқ наинки китобхонлар, балки таниқли адибларнинг ҳам эътиборини тортди. Бунинг сабаби адиб услуби ва тилидаги табиийлик, самимийлик, равонликдир. Ўзбек халқининг дунё тамаддунида ўзига хос ўрин тутишида ёзувчи асарларида маҳорат билан акс эттирилган муҳаббат мавзусининг ўрни беқиёсдир. Ва ижодкор

томонидан санъаткорона яратилган муҳаббат мавзуси бугунги ўзбек адабиётининг халқаро миқёсларга чиқа олишида муайян омил бўлди.

Бадиий адабиётдаги муҳаббат мавзусини тадқиқ қилишдан аввал муҳаббат сўзи маъноларига тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Муҳаббат сўзи арабча бўлиб, бирор ёқтирган нарсасига майл кўрсатиб, яхши кўриш маъносини билдиради. Севги сўзи муҳаббат сўзининг ўзбекча синонимидир. Бундай маънода яна арабча ишқ сўзи ҳам ишлатилади. Бу учала сўз маънодош бўлиб, бир-бирининг ўрнига ишлатилиб кетилаверади. Севги (муҳаббат, ишқ) икки хил бўлади: илоҳий севги, мажозий севги. Илоҳий севги Яратган Парвардигорга нисбатан бўлади ва бу севги, мухтасар айтганда, Аллоҳ таолонинг буюрганларини шак-шубҳасиз бажариб, қайтарганларидан тамоман қайтишлик билан амалга ошади, қиёмига, камолига етади. Илоҳий севги мумтоз адабиётда шундай даражада бош мавзулардан бири бўлганки, буни мукамал баён қилиб бериш қийин.

Ўзбек адабиётида шу вақтгача ва ҳозирги кунда ҳам севги-муҳаббат ҳақида шунчалик кўп китоблар, шеърлар, ҳикоялар мақолалар ёзилди ва ёзилапти, беҳисоб кинофилм ва театр-спектакллар ишланди, ишланяпти, қанчалик беҳисоб қўшиқлару тароналар айтилди ва айтиляпти.

Ўткир Ҳошимов "Чўл ҳавоси" қиссасини яратгандан сўнг, келажакда маҳоратли адиб бўлиши башорат қилинганлиги, хусусан, Абдулла Қаҳҳорнинг самимий тилаклари билан йўлланган мактубида ёзувчи келажакка катта ишонч руҳи акс этганлиги ҳақида маълумот берилди. Мазкур асар қаҳрамон хатларидан ташкил топган. Қисса шаклий изланишлар йўлидаги дастлабки қадам бўлиб, ижодкор услубининг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Кейинчалик бадиий шакл билан фалсафий уйғунлик адиб ижодий манерасининг етакчи хусусияти даражасига кўтарилди. Муҳаббат мавзусини ёритишда босқичма-босқич босиб ўтилган "Баҳор қайтмайди", "Чўл ҳавоси", "Сирли юлдуз" қиссаларидаги қатор ёшлар муҳаббати ва уларнинг миллий характерини яратишдаги лирик ифода ва эпик кўлам

уйғунлигининг етакчи услубий йўналиш тариқасида шакллангани кузатилади.

Одатда матндаги лирик ифода ва эпик майдон қоришиб кетиши фақат туйғу ва онг ўрин алмашинувлари билан изоҳланмайди. Дарҳақиқат, лирик ибтидо ва эпик кўлам ўртасидаги узвий робита асарнинг бадиий мантиғидан келиб чиқади.

Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов: ”Ўткир Ҳошимов ижодида майинлик, нафосат бор. Айниқса, муҳаббат мавзусидаги асарларида инсон туйғулари жуда мулойимлик, нафислик билан чизилади. Бу жиҳатдан адибни насрнинг шоири деса бўлади. Шу билан бирга Ўткир Ҳошимов жуда серқирра ижодкор. Унинг асарларида катта исён бор. Адолатсизликка, зулмга қарши туғён бор. Ёзувчи биринчи асари биланок Абдулла Қаҳҳордек талабчан устознинг назарига тушган эди. Шундан бери у ҳеч қачон китобхон назаридан четда қолмай келмоқда”, - дея адиб ижодига юқори баҳо берган эди.

Ҳақиқатан, адиб асарларида ўзбек халқининг муҳаббат мавзуси билан боғлиқ қадимий анъана, урф-одатлари, қадриятлари тасвири энг кичик ҳикоядан тортиб, катта полотнодаги роман, қиссаларининг вужуд-вужудида кўриниш бериб туради. Қаҳрамон хатти-ҳаракатлари, дунёқараши, воқеликка муносабатида, ҳатто энг кичик бадиий тасвирларда ҳам ўзбекнинг минг йиллар давомида удумга айланган миллий муҳаббат туйғулари акс этади.

Китобхон назаридан четда қолмаслик, доимо унинг кўз ўнгида туриш, ёзганларини эл назаридан ўтказиб, унинг баҳосию талаблари даражасида асарлар ёзиш учун биргина устозларининг оқ йўлию замондошларининг хайрихоҳлиги камлик қилади. Адиб узоқ ва машаққатли ижодий йўлни босиб ўтди. Бу йўлнинг ҳар бир бекати қанчадан қанча тўлғанишару изтиробларга, масрурлигу ташвишларга тўла.

Ижод, унинг сир асрорлари ҳақида Ўткир Ҳошимов: “Ижод ўта мураккаб, ўта масъулиятли, олис ва машаққатли йўл”, - деб ёзаркан, ижодий

сафарга отланган йўлчи (ижодкор) йўл (ижод жараёни)нинг барча баланд-пастликларини олдиндан тасаввур қила олиши, унинг нотекисларидан хайиқмай юриши, жиддий тўсиқлар учраганда ҳам уларни енгиб, олдинга интилиши ва оқибат натижада китобхон қалби деган “финиш”га эсон-омон етиб олиши керак. Бироқ у (ижод) “юз метрли масофада ким ўзарга югуриш ҳам эмас”. Унда “ким ўзарлик” тезроқ маррага етиб, рақибларини доғда қолдириш - етакчи моҳият касб этмайди. Биринчилик тезликда, тез шуҳрат қозонишда ёки қизил лентани узиб ўтишда эмас, балки китобхон қалбига қира олишда, унинг ўй-ташвишларини асарларига сингдира билишда, оддий ўқувчидан тортиб зукко академиклар томонидан ўша ижодкор истеъдодининг эътироф этилишидадир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, дастлабки қисса ҳаётдан олган таассуротлар, ёшликнинг шиддатли ғайрати, номаълум истиқболнинг кўз илғамас уфқлари таъсирида яратилди. Аммо ҳамма бошловчи ёзувчида ҳам дастлабки машқ муваффақиятли чиқавермайди. Ўткир Ҳошимов улкан ёзувчи бўлгандан кейин бир ҳақиқатни қайд этиб ўтган: “Ёзувчилик — икки фоиз талант, тўқсон саккиз фоиз меҳнатдир, деган гап тўғри бўлса, дунёдаги ҳамма чумолилар ёзувчи бўларди” (“Дафтар ҳошиясидаги битиклар”). Ёзувчи бўламан деган одам бошқалар кўрмаган нарсани кўриши, бошқалар сезмаган нарсани сезиши, муҳимни номуҳимдан ажрата олиши керак, ана ўшандагина биринчи асариёқ тилга тушади. Ўткир Ҳошимовнинг биринчи асари ҳам худди шу тарзда майдонга келди..

Китобхонларнинг олқишлари, Абдулла Қаҳҳорнинг фотиҳаси ёш ёзувчини қанотлангирди. Бу ёш қаламкаш шаънига айтилган дастлабки мақтовларга тааллуқлидир.

Умуман, ижодининг илк босқичларидаёқ кетма-кет қиссалар ёзди: “Чўл ҳавоси”дан кейин “Одамлар нима деркин”, “Шамол эсаверади”, “Қалбингга кулоқ сол” шулар жумласидан. Бу қиссалар яратилган даврдаги танқидчилик

тўғри таъкидлаганидек, муҳаббат мавзуида бўлиб, уларнинг қаҳрамонлари ёшлар, умуман ёшлик эди.

Ўткир Ҳошимовнинг барча қиссалари ва романлари, ҳатто баъзи ҳикоялари ва мақолалари танқидчилик назарига тушган, назарга тушган асарлари ҳақида асосан ижобий фикрлар билдирилган.

Адибнинг “Баҳор қайтмайди” қиссаси 1967 йилда яратилган. Демак, ёзувчи “Чўл ҳавоси”, “Одамлар нима деркин” деган икки қиссасидан ҳосил бўлган тажрибалар асосида китобхонларнинг сеvimли асарига айланган мазкур қиссани ёзди.

Тўғри, ёзувчи бу қиссасида ҳам адабиётда анъанага айланиб қолган “учлик” схемасидан чиқолмади, яъни бир қиз ва икки йигит ёки бир йигит ва бир қиз муҳаббати.

Ҳар қандай меъмор ҳам тайёр лойиҳа асосида бинони кўтаради. Аммо бинога жило беришда ундан санъат талаб этилади. Ўткир Ҳошимовнинг олдинги қиссаларидаги каби бу қиссасида ҳам эски анъанага янги маъно ва янги жило бера билди. Алимардон + Анвар + Муқаддам севгисининг тадқиқига бағишланган бу қисса ўзининг оригиналлиги билан китобхонлар эътиборини тортди. Бу оригиналлик, энг аввало, қаҳрамон танлаш билан боғлиқ. Қиссада бир қатор ўқувчи эътиборини тортадиган персонажлар бор: Анвар, Зуфар Ҳодиевич, Мутал, Кабир, Иқбол хола. Аммо қиссанинг бош қаҳрамони битта – Алимардон Тўраев. Лекин на қиссачиликда, на ҳикоячиликда, на романчиликда учрамаган мураккаб характерли қаҳрамон.

Халқ дostonларида қаҳрамонлар афсонавий, ғайритабиий йўсинда тасвирланган. Гўрўғли гўрда туғилган ва лаҳадни бузиб ташқарига чиқиб олган ва ҳатто у Хизр билан кураш ҳам тушган. Унинг Ғироти уча олади, гапира олади ҳам. Алпомишнинг курагига Шоҳимардон панжа урганлиги учун паҳлавон бўлиб ўсган ва юз кишилашиб кўтара олмайдиган камондан ёй отиб, Асқар тоғининг чўққисини учириб юборган. Мумтоз

адабиётимиздаги Фарход, Искандар, Мажнун, Баҳромгўр, Семурғ, Вомиқ, Узро, Ширин, Лайли, Санобар илоҳий персонажлардир.

Адабиётимизга насрчилик, драматургия сингари жанрлар ва турлар кириб келгандан кейин қаҳрамонларнинг шакл-шамойили, феъл-атвори ҳам ўзгарди. Энди уларда илоҳийлик, фаришталик йўқ, ғайритабиий иқтидорларга эга бўлмаган реал одамлар. Аммо бу реал одамларда ҳам тирик инсонларнинг ўйлари, яшаш тарзи, муомалалари қандайдир баландпарвозроқ, қандайдир “ғайритабиийроқ”. Масалан, йигирманчи йиллар арафасидаги Ғофир (“Бой ила хизматчи”) ҳақиқатни бақриб ифода этади, ғирт оми Йўлчи (“Қутлуғ қон”) инқилоб ишига етакчилик қилади, Сиддиқжонлар, Ўрмонжонлар (“Қўшчинор чироқлари”) колхозчиликнинг кўр-кўрона фидойилари, Ўктам ва Комила (“Олтин водийдан шабадалар”)да умуман қусур йўқ, Деҳқонбой, Ҳафизалар (“Шоҳи сўзана”) комсомол ишига лаббай деб жавоб берадиган фидокорлар, 22 яшар Саида колхозни опичлаб кўтариш кучига эга бўлган ўта ақлли қиз (“Синчалак”), еттинчи синфни битирган Лукмонча (“Туғилиш”) ўта билағон, билиб-кўриб туриб ўзини ўлимнинг чоҳига ташлаган фавқулодда қаҳрамон ва ҳоказо...

Адабиётшунослик жуда тўғри таъкидлаганидек, ўтган асрнинг 60-йилларида адабиётга янги эпкин кириб келди. Шеърятда Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Омон Мухтор, Ҳалима Худойбердиевалар жисми ҳам, жони ҳам йўқ партияни эмас, ўз бурчини бажарадиган одамларни эмас, инсон дардини ифода этдилар. Насрчиликда эса, Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Ўлмас Умарбеков, Учқун Назаров, драматургияда Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Ўлмас Умарбеков, Эркин Воҳидов, Ҳайдар Муҳаммадлар гўдайганча ҳаммага насиҳат қиладиган партком секретарини, нуқул хато қиладиган бригадир ёки колхоз раисини, инқилоб учун, коммунизм учун жонини фидо қиладиган чавандозларни эмас, ҳақиқий тирик одамларни кашф этдилар.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романидаги Саидий барча ижобий фазилатлардан маҳрум худбин, ўз манфаатлари йўлида йигитлик ғурурини ҳам ерга уришга қодир пасткаш одам. Ёзувчи роман учун ижобий қаҳрамон танлаши мумкин эди. Масалан, романдаги Эсон бош қаҳрамон бўлиши мумкин эмасмиди? Агар шундай бўлганда ёзувчининг ўз олдига қўйган мақсади очилмай қоларди; ёзувчи оқимга қарши сузган одамнинг жамиятдан ажралиб қолишини кўрсатади, бу мақсад учун эса Раҳимжон Саидийнинг одмилаштирилган образи керак эди.

Ўткир Ҳошимов “Баҳор қайтмайди” қиссасидаги Алимардон Тўраев образини Абдулла Қаҳҳор романида бўлганидек, барча ижобий хислатлардан маҳрум қилмайди; бинобарин, Алимардон журъатли, ўз олдига қўйган мақсадидан қайтмайдиган, айна пайтда у, ёзувчининг ўзи эътироф этишича, ҳам “алий”, ҳам “мардон”. Унда диёнат ҳам бор; севимли хотинидан ажрашганлигини, ўз боласининг ўзига бегона бўлиб, бошқа бир одамга “дада” деб интилишини кўриб чиқолмайди. Модомики, ўз пушти камаридан бўлган ўғли ундан қочган ва етти ёт бегона кишини “дада” деб ачомлаган экан, унинг бу ҳаётда яшашдан мақсади қолмабди; у тун қоронғусида, жала куйиб турган бир маҳалда машинасини жарликка ҳайдайди... Бу кўргуликдан кўра ўлимни афзал деб билади.

Алимардоннинг яна бир фазилати - истеъдодлилиги. У ажойиб хонанда, мусиқани қалбдан ҳис қилади, шеърятдаги мунгли ва кўтаринки оҳангларни тез илғайди ва бу оҳангларни ўзи яратган мусиқасида акс эттира олади. У телевидение орқали биринчи чиқишидаёқ томошабинларнинг меҳрини қозонади. Йўқ, бирдан келган шухрат гарчи уни қанотлантирган бўлса ҳам, ижод қилишдан тинмайди; овозига янги пардалар, янги авжлар, янги нолалар киритади, ҳар бир ашуласи гулдурос қарсақлар билан кутиб олинади.

Ана шу ўринда ёзувчи бир нарсага ишора қилади: Алимардон олқишлардан қанот боғлаб, хурсандчиликка буфетда коньяк ичишни одат

килиб олади. Ёзувчи бу детални бекорга киритмаган; ичкилик -истеъдоднинг душмани, демоқчи ёзувчи. Ҳар қандай буюк истеъдодларни ҳам ичкилик хароб қилган. Ҳа, ичган одам бир зум бўшашади, асаблари хяйрайди, аммо ичкиликнинг оқибати ёмон. Дастлаб билинмайди, бора-бора ақлни ўтмаслаштириб боради, асабийлик, инжиқлик касалини келтириб чиқаради, дангасаликка ундайди ва бу иллатлар уни охир-оқибатда хароб қилади. Ичкиликка ружу қўйган одамнинг иши самарали бўлмайди, чунки тезроқ ишни юмалоқ-ёстиқ қилиб, ичиш пайида бўлади, ичгандан кейинги карахтлик унинг қўл-оёқларини чандиб боғлаб ташлайди. Ёзувчи Алимардоннинг ана шу ҳолатини оқилона кўрсата олган. У янги ашула ўргана олмайди, янги мусиқа ярата олмай қолади. Истеъдодни хароб қиладиган, уни инқирозга олиб борадиган яна бир нарса - ортиқча мақтов. Бу ҳолатда мақтовчиларда айб йўқ. Ярқ этиб кўриниб турган истеъдодга томошабин бўлсин, китобхон бўлсин, таҳсин ўқийверади, олқишлайверади, аммо истеъдод соҳибининг ўзида ақл, зукколик, ҳушёрлик, ўзига талабчанлик, ўзидан қоникмаслик бўлиши зарур. Ана шу хислатлар бўлсагина истеъдод жилоланиб, узоқ умр кўради. Алимардон шуҳрат пиллапояларидан осонгина кўтарилиб олгач, бу тамойилларни унутади.

Алимардондаги худбинлик, шуҳратпарастлик, бойликка ўчлик қаердан пайдо бўлганлигини ёзувчи унинг болалик давридан бошлаб асослайди. Алимардон отасиз ўсган, отаси урушда ҳалок бўлганлигига ишора бор. Колхоз раиси Алимардоннинг онасига “бева” деб раҳми келиб, боққа қоровул қилиб қўяди. Боғдан то ҳосил йиғилгунча она-бола ўша ерда яшашади. Ёзувчи ёлғиз боланинг худбин бўлиб ўсишига ишора қилади. Аммо бундай ўйлаб кўрсак, Анвар ҳам ёлғиз бола, у ҳам отасиз ўсган. Қиссадаги бу параллел атайлаб келтирилганлиги беъжиз эмас. Ёзувчи бу ўринда тарбияга ишора қилади. Агар Алимардон тантиқ ўсган ва амакисининг қутқуси билан 6-синфда ўқиётган пайтидаёқ жиноятга қўл урган, амакиси колхоз мулкини ўғирлаган одам сифатида ўн йилга қамалиб

кетган ва Алимардон унга қилча ачинмаган, амакисидан сурбетлик ва худбинликни ўрганган бўлса, Анвар болалигидан меҳнатга кўникма ҳосил қилади. У онасининг тарбиясини, мактаб сабоғини яхши эгаллайди, беозор, Алимардон айтмоқчи, “қўймижоз” бўлиб ўсди. Ёзувчи икки муҳит тарбиясини усталик билан чизиб беради ва бунга китобхонни бадиий далиллар билан ишонтиради.

Қиссанинг бошланишида Алимардоннинг туш манзарасини ўқиймиз. “У паст-баланд қоялар орасидан от чоптириб бораётганмиш”.

Муаббирлар тушда от кўришни мурод, дейдилар, отга минишни мартаба деб таъбир қиладилар. Шундоқку-я, аммо Алимардон кўрган тушнинг давоми даҳшатли, назаримда, уни муаббирлар таъбир қилолмасалар керак: “... От елдек учармиш, тоғу тошлар чирпирак бўлиб орқада қолиб кетармиш”(129-б.). Муаббирлар отнинг елдек учишини яхшиликка, деб таъбир қилишлари мумкин, аммо туш давомида бирдан ҳаммаёқни зулмат босади ва Алимардон от билан жарликка қулайди. Бу тушнинг таъбири қиссанинг охирида маълум бўлади; Алимардон жала қуйиб турган маҳалда тоғ йўлларида кела туриб жарликка йиқилиб ҳалок бўлади.

Агар қиссадаги шу туш детали бўлмаса, асарнинг ритмик йўналиши бузилиши ва қиссанинг ечими оқланмай қолиши мумкин эди. Албатта, танқидчилар бу эпизодни ўқиб ёзувчини хурофотда айблашлари мумкин. Аммо инсон руҳиятига тушнинг таъсири ҳамда инсон тақдирида тутган ўрнини яхши билган ёзувчи бу эпизодни асар қурилиши талаби билан киритган.

Қиссада яна муҳим бир детал бор: бу Алимардон айтган ашула.

... Яхши қол, эй дилбарим, дилда кадар, кетмакдаман,

Ишқ аро энди ҳолим зеру забар, кетмакдаман.

На ишончу, на қувончу, на кўнгилдан очма гап,

Барчасидан ушбу кун йўқдир самар, кетмакдаман.

Мен қуёш юзлигим деб тун кечалар бердим юрак,

Оқибат отганда тонг қондир жигар, кетмакдаман.
Шунча кунлар ўтди, аммо сўрмадинг ҳолимни бир,
Охирида ҳол сўраб келсанг магар, кетмакдаман¹.

Алимардон дидсиз эмас, у ақлли ва бадий диди ҳам юксак; у шеърнинг матнини чуқур тушунади ва ўз оҳанглари ва овози билан эшитгувчилар юрагига етказа олади. Аммо айтаётган ашуласи матнидаги маънони ўзига олмайди. “Кетмакдаман” сўзининг айнан ўзига тааллуқли эканлигини ҳис қилмайди. Инсон бугунги шодлик кунда эртанги кун келадиган ташвишларни ҳаёлига келтирмаслиги мумкин; айнан Алимардон сингари шуҳратпарастлар эртанги кунини мутлақо ўйламаслигини ёзувчи ишонарли деталлар билан ифода қилади.

Такаббурлик Алимардоннинг қонида бор. Унинг қошларини чимириб туриши қиссининг бир қанча ўринларида таъкидланади. Бу бежиз эмас. Мақсад, Алимардоннинг такаббур феълени кўрсатиш эди.

“Анвар пастак эшикдан бошини эгиб кирди-да, қўлидаги қоғоз халтани бир чеккага қўйиб, шимининг почасини қоқа бошлади.

Энгашиб турганча бошини кўтариб қаради-да, жилмайди.

- Тузукмисан?

Алимардон индамади. Қошини чимирганча тикилиб ётаверди. Анвар ҳар келганида шундай жилмайиб қарар, худди шундай паст, меҳрибон возда ундан ҳол сўрарди.

... Анвар туфлсининг боғичини шоша-пиша ечиб, тез-тез юриб унинг тепасига келди. Кароват ёнига чўккалаб, пешонасига муздек кафтини қўйди. —Иситманг йўқ-ку, — деди яна жилмайиб.

Алимардон унинг қўлини пешонасидан олиб ташлади. “Ёлғон айтаяпти!”

- Йўлда ўлиб қолдингми дегандим.

¹ Ҳошимов Ў. Севги қиссалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 149-б.

Анвар дўстининг бўғиқ овозидан унинг хафа бўлганини тушунди, кўз милкларининг чети тиришиб, қизариб кетди. Унинг сал нарсага қизариши ҳам, қизлардек тортинчоқлиги ҳам, чиройли чеҳраси ҳам кўпинча Алимардоннинг жиғига тегарди.

- Кеч қолдим-а? Тўғрими? - деди Анвар узр сўраган оҳангда. Кейин бегуноҳ кўзларини Алимардондан узмай, яна ўша паст, ўйчан оҳангда гапирди:

- Ишга бордим. Ҳеч иложини тополмадим. Биринчи кун. Алимардон унинг ўзига эмас, шифтнинг бир чеккасига қараб сўради:
- Ўша телестудиягами?

Анвар дўстининг гап бошлаганидан қувониб кетди.

- Ҳа. Биласанми, мусиқа таҳририятига! - У севинчдан чеҳраси ёришиб, ўрнидан турди.

- Сен соғайишинг билан студияга борасан. Ҳозир у ердагилар ёш артистларга жуда муҳтож экан. - У дўстига синчиклаб қараб кўйди. Алимардон мийиғида кулдию индамади. Кўнглида ғижинишми, адоватми, аллақандай хира бир туйғу уйғонди. Ўзидан олдин Анварнинг иш бошлагани, қувонч билан гапириши унга ёқмади”¹.

Бу иқтибос қиссанинг дастлабки саҳифаларидан олинди. Ана шу дастлабки саҳифаларданок ёзувчи қаҳрамонларнинг феъл-атворини бир-икки чизик тортиш билангина китобхон кўз олдида намоён қилади. Ёзувчи Анвар энгашиб кирадиган “пастак эшик” орқали Алимардоннинг яшаш шароитини кўрсатади; харобгина, пачоққина уйда яшайдиган Алимардоннинг кейинги бойваччалигига замин ҳозирланади. Воқеадан маълум бўладики, Алимардон от устига чиққандан кейин ана шу жойда данғиллама иморат солади. Яна воқеалар давомидан шуни биламизки, Алимардон саҳнадаги хонандалигидан шунча даромаад топиб уй қуролмас ва

¹ Ҳошимов Ў. Севги қиссалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 131-б.

“Волга” машинаси ололмас эди. У “отар”га юра бошлайди. Тўйларда иштирок этган одамларнинг бошидан айлантириб берган пуллари ҳисобига бойваччага айланади. Анвар унинг пешонасига кафтини қўйганда қўлини олиб ташлаши, “ўша телестудиягами”, деб писанд қилмагандек сўраши Алимардоннинг такаббур ва ичи қора одам эканлигини яққол кўрсатади.

Анвар унга дўст сифатида жонини фидо қилганда ҳам Алимардон буни кадрлай билмайди. У аввалдан, узоқ болалалигидан бери худбин бўлиб ўсган ва худбин одам, маълумки, дўстлик деган тушунчадан узоқ бўлади. Алимардоннинг худбинлиги Анварнинг Муқаддамга айтиб берган бир воқеасидан ҳам маълум:

“Иккаламиз шу ерларда сигир боқардик, - у бирдан кулиб юборди. - Алимардон ўшанда ҳам шайтон эди. Бир марта анҳорнинг нариги бетидаги Собир чўлоқнинг полизига қовун ўғирликка тушганимизда мени роса дўппослатган... Мен чайла яқинига бориб Собир чўлоқни пойлаб турдим. Агар уйғониб қолса ҳуштак чалишим керак эди. Алимардон ҳам қовунни олиб чиққанидан кейин ҳуштак чалиб мени чақирмоқчи эди. - Анвар Муқаддамга қараб кулиб қўйди. - Ҳали ўтирибман, ҳали ўтирибман, Алимардоннинг ҳуштагидан дарак йўқ. Бир маҳал биров елкамдан маҳкам ушлаб тарсаки қўйиб юборса бўладими. Собир чўлоқнинг уйғонганини билмай қолибман... Уйга келсам, Алимардон аллақачон қовунга тўйиб, ухлаб ётибди. Ишини битириб, индамай кетаверган экан”¹(138-139).

Худбин одамнинг ўжарлиги ҳам бор, шафқатсизлиги ҳам бор ва, умуман, худбин одамда ижобий фазилатлардан кўра салбий иллатлар кўпроқ бўлади. Буни ёзувчи Алимардон тимсолида воқеадан воқеага ўтиб кўрсата боради.

Анварнинг беғуборлиги бир-икки детал билан намоён қилинган: “Кўз милкларининг тиришиб, қизариб кетиши, Алимардоннинг инжиқлиги ва

¹ Ҳошимов Ў. Севги қиссалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 138-139-б.

кўполлигини кўтариши, дўстига меҳрибонлиги унинг покиза бир йигит эканлигини кўрсатиб турибди.

Аmmo беғуборлик ва соддаликда ҳам қусур бор. Унинг қалбида Алимардонга нисбатан беғубор дўстона туйғу яшайди. Ана шу туйғудан бўлса керак, у Алимардоннинг ўша қовун ўғирликдаги хиёнатини ҳам, инжиқлиги ва такаббурлигини ҳам кечиришга мажбур қилади. Муқаддам билан суҳбатда у хадеб Алимардонни мақтайди, унинг талантини кўкларга кўтаради, унинг хиёнатини, ўжарлиги ва такаббурлигини ҳам фазилат сифатида қизга кўрсатади. Эҳтимол, ана шу мақтовлар ҳам Муқаддамни енгил йўлга бошлагандир.

Яна муҳим бир воқеа Муқаддамга тегишли. Мана бу эпизодларни чоғиштирганда Муқаддамнинг қанақа қиз эканлиги, нима учун Алимардонга ўзини топшириб қўйганлиги маълум бўлади.

Анвар билан Муқаддам анҳор бўйида сайр қилиб юришади. Ёлғизоёқ тупроқли йўлдан Муқаддам ялангоёқ борар, Анвар ундан уч қадамча кейинда, Муқаддам “етагининг шамолидан силкинган ғумайлар оҳиста бош силкиб қоларди”¹. Уларнинг йўлида сўқмоқ дуч келади. “Сўқмоқ кескин ўнгга бурилдию пастга - анҳор бўйига шўнғиб кетди... Анвар Муқаддамни четлаб ўтди-да, тик сўқмоқдан пастга югуриб тушиб, қирғоқдаги толнинг ғадир-будур, йўғон гавдасини кўли билан ушлаб қолди... Юқорида ҳали куёш нури сўнмагани учун Муқаддамнинг қизил кўйлаги офтобда ярақлар, гўё унинг ўзи ҳам аланга оғушида ёнаётгандек эди. Аланга оғушида ёнаётгандек эди”² жумласи билан ёзувчи қизнинг эҳтиросларига, балки ҳирсига ишора қилади:

“У қўлларини ҳавода кенг ёзди-да, болаларча шодон оҳангда қичқирди:
- Ушланг, Анвар ака!

¹ Ҳошимов Ў. Севги қиссалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 136-б.

² Ҳошимов Ў. Севги қиссалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 137-б.

Анвар хушини йиғиб олгунча у чопқиллаб туша бошлади. Анварнинг юраги гупиллаб уриб кетди. У Муқаддамнинг ҳозир бағрига келиб урилишини билиб турар, аммо кучоқлаб олишини ҳам, қўлидан тутиб қолишини ҳам билмай иккиланарди. Анвар хушини тўплаб бўлгунча Муқаддам шиддат билан етиб келди. Анвар ўзини бирдан четга олди-да, унинг билагидан маҳкам тутиб қолди. Муқаддам кескин бурилганча унинг кўксига урилди. У негадир кўзларини юмганча ҳадеб кулар, Анвар эса ҳаяжондан нафаси тикилиб, нима қилишини билмай қолган эди. Муқаддам унга ҳеч қачон шунчалар яқин турмаган, унинг сочлари ҳеч қачон Анварнинг юзига тегмаган эди. Анвар ҳаяжондан бўғилиб қолган, ўзи ҳам маъносини тушуниб етмаган алланимадан уялар эди.

Муқаддам қўлини тортиб олди-да, қошларини чимириб жилмайди: - Ёмонсиз-а...”¹.

Муқаддам тепаликдан Анвар томон учиб тушар экан, у йигитдан бошқа нарсани кутган ва шунинг учун ҳадеб куларди. Аммо кутгани бўлмагач, у Анварни ҳурмат қилмай қўяди: анҳорга оёқларини солиб нақ Анварнинг кўзи олдида эҳтимолки болдирларини очиб ювади. Қишлоқ қизлари (гарчи у шаҳарга ёндош бўлса ҳам) йигитнинг олдида (минг кадрдон бўлсин, севгилиси бўлсин) ортиқча ишлар қилмайди.

Алимардон уни зўрлаб ўпганда, “Алимардоннинг оғушида талпинар, аммо чиқиб кетолмас эди. Қизик, шунча ойлардан бери Анвардан кутиб юрган кескин ҳаракатларни Алимардон қилар, бу айёр йигитни уриб юборишни ҳам, индамаслигини ҳам билмасди. Аммо Анварни эслаши билан силтаниб қаддини ростлади-да, Алимардоннинг юзига тарсаки туширди”². Шу эпизоднинг ўзидаёқ ёзувчи Муқаддамнинг енгилтаклигига ишора қилади. Бундан кейинги эпизод бу ишорани тасдиқлаб тушади: у амбулаторияда дўхтирдан яна хонадонларга бориш ҳақида топшириқ

¹ Ҳошимов Ў. Севги қиссалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 137-б.

² Ҳошимов Ў. Севги қиссалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 144-б.

олгач: “Алимардоннинг чиройли чехраси, чимирилган қошлари кўз ўнгига келдию ҳам кўрқинчли, ҳам алланечук эркаловчи туйғулар ичида ўйланиб ўрнидан турди. Эшик олдида етганида негадир ўзининг ҳам ўша ёққа талпинаётганлигини сезиб ҳаяжон ичида тутқични ушлади”¹.

Демак, Алимардон билан Муқаддам ўртасидаги парданинг кўтарилиб кетишида икки томон ҳам баробар айбдордир. Дарвоқе, “бўғотдан тушаётган йирик-йирик томчилар” Муқаддамнинг енгилтаклиги сабабли аччиқ қисматидан далолат бериб турибди. Бинобарин, у Алимардоннинг дилрабо ашуласини эшитиб тўхтаб қолди, “беихтиёр жилмайди”. У куйнинг оғушида эркаланиб Алимардоннинг ётган хонасига қадам ташларди. У куйнинг эркалашидан энтиқиб кетади. Назаримизда, Муқаддамни маст қилиб, Алимардонга таслим бўлишига сабабчи бўлган нарса ҳам ана шу ашула ва куй бўлса эҳтимол. Хонага киргандан кейин, Алимардоннинг кароватида ўтириб ашула эшитганда ҳам, Алимардон ёнига ўтириб соч толаларини силаганда ҳам қаршилиқ кўрсатмайди ва ҳатто таслим бўлгач, “ўзи шилиб ташлаган Алимардоннинг юзларини” силайди.

Аслида муҳаббат ва нафратнинг орасида қилча масофа бор, дейдилар. Лекин муҳаббат чин ва қалбнинг ҳосиласи бўлса, унинг нафратга айланиши осонмас. Эҳтимол, нафратнинг муҳаббатга айланиши осондир; биргина яхши сўз, биргина эзгу иш одамни одамга бошқача кўрсатиши мумкин. Ҳа, Муқаддам дастлаб Алимардон ҳужум қилганда ундан ранжиди, нафратланди, аммо унинг “чиройли юзи, чимирилган қошлари” ва алалхусус айтган ашуласи ва куйнинг сеҳрли оғуши унинг қалбини эритиб юборди. Аммо Муқаддамда туғилган бу туйғу ҳали муҳаббат эмас эди. Муҳаббат синовлардан ўтиши, олов пурқаб турган жойлардан ўзини муҳофаза қилиши керак, шундагина у тобланади. Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи, агар юракда ҳақиқий муҳаббат бўлса, у қариганда етилади. Муқаддамнинг “тўшакда туғилган муҳаббати” қачон совида? “Алимардон акаси унинг қўлидан

¹ Ҳошимов Ў. Севги қиссалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 148-б.

коптокдек чиқиб кетаётганини” сезгандами ёки эшикни очган пайтда “Ўлиб қолдингми?” деган гапидан кейинми ёхуд Алимардон “отар”га борганини пеш қилиб, “Ёқмаса... Кета қол. Уйинг яқин...” деганидами? Аслида муҳаббат бўлганмиди ёки унинг турмуши мажбурият юзасиданмиди? Унинг совун кўпигидай бахти қачон ёрилди? Ёзувчи бу саволларга воқеадан воқеага ўтган сари жавоб бериб кетаверади.

Муқаддамнинг ишқини Абдурахмон Жомийнинг мана бу байти тўла равишда ифодаласа керак:

Ишқ маъшук кўнгли ичра аввало пайдо бўлур,

Куймаса гар шамъ парвона қачон пайдо бўлур.

Алимардон ўзбек қиссачилигида, умуман, ўзбек адабиётида янги образ, бошқа бадиий асарларда унинг муқобили йўқ. Ёзувчининг ўзи бир суҳбатда:” Менга деса Алимардон тирик қолса ҳам асарнинг таъсир кучи пасайиб қолмас эди. Бироқ у сиз билан мен ўйлагандан кўра мураккаброк шахс. Унда худбинлик билан бирга мардлик ҳам бор. У бировдан мағлуб бўлиб яшагандан кўра ҳаётдан кетишни афзал кўради. Уни мен эмас, ўзи ҳалок қилди”, - деган экан. Аммо Муқаддам бадиий адабиётда кўп учрайдиган персонаж; қишлоқ амбулаториясининг оддийгина ҳамшираси, юрадиган йигити бор, исми Анвар, у билан сайр қилиб орзуларга берилади ва ҳоказо. Лекин ёзувчи мана шу “ески” персонажга янги жило беради. Баъзи қиссаларда бундай қизлар қора бўёқларга чапланиб ташланади. Ёзувчи бор маҳоратини унинг енгилтаклигини очишга қаратади. Аммо Ўткир Ҳошимов Муқаддамни тирик инсон сифатида тасвирлаб, изтироблари, туйғулари, кечинмаларини рўйи рост очиб беради. Шўх, ҳислари жўш урган қизлик даврини ҳам, номуси топталган пайтдаги ички ҳолатларини ҳам, оналик давридаги кўникмаларини ҳам моҳирлик билан кўрсатадики, у барча фазилатлари ва қусурлари билан кўз олдимизда намоён бўлади.

“Баҳор қайтмайди” қиссининг қаҳрамонлари Алимардон ва Муқаддамлар ҳар бир даврда бор, айниқса, алимардонлар сингари

шуҳратпарастлар болалаб кетган ҳозирги даврда ҳам, келажакда ҳам бу қисса талаб марказида бўлади. Афсуски қисса фожеа билан якун топади. Бироқ, нечоғли нола-фарёд эшитмасин, ўқувчининг кўнгли чўкмайди. Негаки, тасвирдаги яна “яйраб-яшнаб баҳор”нинг кириб келиши, ложувард осмонда турналарнинг шодон қичқириғи, “қатор-қатор тераклар япроқ ёзиб” оҳиста шивирлай бошлаши ҳаёт давом этаётганига, муқаддамлар, шавкатлар, албатта, кўнгли беғубор одамларнинг марҳамати билан бахтли бўлишига ишорадир. Дарвоқе, ёзувчининг ғоявий нияти ҳам шунда яширинган.

Ўткир Ҳошимов шундай ўткир ижодкорки, у ўқувчиларда хушчақчақ хис-туйғу уйғотадиган, кези келганда қаҳ-қаҳа уриб кулишга мажбур этадиган турли хажвий ҳикоялар ёзади. Қисқаси, Ўткир Ҳошимов ижоди, ўчмас битиклари инсон маънавиятини бойитишга, ақл идрокини янада ўстиришга хизмат қилади. Уларни мириқиб ўқиш, кенг тарғиб-ташвиқ этиш ғоят фойдалидир.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқиб, ушбу бобга қуйидагича хулосалар билдириш мумкин:

1. XX асрнинг 60-йилларига келиб жамиятда янгиликларга кучли эҳтиёж сезилди. Бу янгиликлар бадиий адабиётда акс-садо бермай қолмади, албатта. Хусусан, шеърятда ҳам, насрда ҳам қисқа фурсат мобайнида инсон руҳиятини талқин этган бадиий асарлар майдонга келди.

2. Ўзбек адабиёти, аниқроғи, насри ривожига Ўткир Ҳошимовнинг муносиб ўрни бор. Мустабид тузум шароитида у ўзининг ҳақ сўзи билан эл орасида эътибор қозонди. Ёзувчи ўз асарларида ҳамиша ҳақ гапни айтишга интилди.

3. Ўткир Ҳошимов асарларида инсон кўнгли хазинасининг, туйғуларининг хилма-хил жилолари, оддий маиший кечинмалардан тортиб улкан ижтимоий мушоҳадалар, кескин руҳий драмалар, фожиалар, қабоҳатлар ҳам ажиб самимият билан сезилиб туради.

4. “Чўл хавоси”, “Одамлар нима деркин”, “Шамол эсаверади”, “Қалбингга қулоқ сол”, “Баҳор қайтмайди”, “Дунёнинг ишлари” қиссаларида ёзувчи маҳорати, топқирлиги, қисса жанри табиатига киритган янгилиги, энг кичик персонаж моҳиятини ҳам бир туртки, бир имо, ҳаракат билан очиб юборганлигида аниқ кўринади.

5. Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” қиссасида истеъдодли, бироқ истеъдоди қадрига етмаган, етолмаган, улуғ мақсадлардан маҳрум худбин йигитнинг таназул тарихи, руҳий-маънавий инқирози санъаткорона таҳлил этиб берилган.

2 - БОБ. ҚАҲРАМОН РУҲИЙ ДРАМАТИЗМИНИ ЁРИТИШДА ИЖОДКОР МАҲОРАТИ

Жаҳон сўз санъатида, жумладан, ҳозирги замон ўзбек адабиётида шундай сермазмун, сержило, гўзал асарлар борки, уларни қайта-қайта ўқигингиз келади. Ҳар гал ўқиганда олам-жаҳон завқ оласиз, янги-янги маъно топасиз. Ўзбекистан халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг “Қалбингга қулоқ сол” асари ана шундай ажойиб санъат намуналаридан биридир. Бу қисса ҳақида академик Бахтиёр Назаров шундай фикрларни билдирган эди: “Ўткир Ҳошимов журъатли, мустақил фикрли қаҳрамонлар яратишни “Қалбингга қулоқ сол” сингари ўтган асрнинг 60-йиллари охирида яратилган дастлабки қиссаларидаёқ бошлаган эди. Ана шу: қалбга қулоқ солиш – халқ қалбига, замондошлар қалбига қулоқ тутиш, уларнинг дардини кўтариб чиқиш, мана, деярли ярим асрдан буён ёзувчи сифатидаги, ўз халқининг фарзанди сифатидаги Ўткир Ҳошимов ижоди ва фаолиятининг лейтмотиви бўлиб келмоқда”¹.

¹¹¹ Қаранг: Назаров Б. Халқ меҳрини қозонган адиб // Ҳошимов Ў. Севги қиссалари тўпламига сўзбоши. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 7-б.

Қизиғи шундаки, асар қахрамони Ёдгорни китобхон бирдан яхши кўриб қолади. Ёдгорни трамвай ичида урган икки безори йигитни саҳифалар давомида излай бошлайди. Аммо уларни излашга ҳожат йўқ; ёзувчи бир чизикча билан ўша безориларнинг туриш-турмуши, қиёфалари ва ахлоқларини яққол кўрсатиб қўя қолган. Илгари ҳам, қисса ёзилган пайтда ҳам, ҳозирда ҳам кўча-кўйда оғзидан боди кириб, шоди чиқиб юрадиган, тегмаганга тегиб, текканга кесак отиб, кўринган чиройли қизга шилқимлик қиладиган ва буни “йигитлик” деб атайдиган кўча безорилари кўп ва ёзувчи Ёдгорни шуларга қарама-қарши қўяди. Аслида, қисса безорилар билан Ёдгор ҳақида эмас. Бу детал ёзувчи учун Ёдгорнинг қандай одам эканлиги билан китобхонни дастлаб таништириш учун жуда зарур эди. Бинобарин, китобхон кўз олдида Ёдгор ҳақиқий йигит бўлиб намоён бўлади. Маъсума бир қизга шилқимлик қилаётган йигитларнинг таъзирини бериши китобхонни завқлантиради. Безориларнинг ҳужумидан қутулиб, трамвайдан тушиб кетаётган “қиз вагон зинасида турганча бир дақиқа бурилиб” Ёдгорга қарайди. Шу нигоҳ Ёдгорнинг хотирасигагина эмас, қалбига ўрнашади. Халқ кўшиқларидан бирида айтилганидек, бир боқишда илиндим тўтининг занжирига. Безорилар билан олишув унутилаётган пайтда ҳам бу нигоҳ Ёдгорнинг кўз олдида ҳамиша миннатдорлик билан боқиб тургандек, туюлаверади.

Албатта, ёзувчи қисса воқеасини шу тасодифий ҳолатдан бошламайди. У бу воқеага қадар бир тугун ташлайдики, безорилар билан Ёдгорнинг муштлашуви шу тугуннинг дастлабки чандиғини ечиш учун бир детал вазифасини ўтайди.

Мана ўша тугун: “Оқшом тушиб, ташқари қоронғилашиб қолган, гупиллатиб йирик-йирик қор ёғарди. Ёдгор ёмғирнинг шовуллаши аллақачон тинганини энди пайқайди. Ҳар сафар биринчи қор ёғаётганини кўрганида унинг қалбини аллақандай тушуниб бўлмас, этни жунжиктирувчи ўйчан туйғу қамраб олар, елкасидан оғир бир юк босиб тушаётгандек бўлаверарди.

Шу топда залда ўтирган бошқа одамлар ҳам негадир бир лаҳза сукутга кетишган, ҳамма ташқарига қараб ўтирарди”¹.

Бу жуда ҳаётий тасвир: ҳақиқатда ҳам биринчи қор ёққанда, унинг қандай ёғишидан қатъи назар, ҳаммамиз ташқарига тикилиб қоламиз, қалбимизга қандайдир тушуниб бўлмас бир ҳазинлик чўккандек бўлади. Шунга ўхшаш детал ёзувчининг “Баҳор қайтмайди” қиссасида ҳам бор.

“Алимардон дераза олдида тик турганча биринчи қорнинг ёғишини томоша қиларди. Ҳаммаёқ табиатнинг улуғвор, аёвсиз ҳақиқати олдида кути ўчгандай жимжит бўлиб қолди. Ёмғир ёғаётганда шодон шовуллаётган тарнов ҳам, бўғотдаги чумчуқлар ҳам бир нарсадан чўчигандай овозсиз қотди. Ҳовлидаги сўриларнинг панжаралари, молхоналар томи оппоқ бўлиб қолди. Ҳовли этагидаги азамат ёнғоқлар тақдирга тан бергандай маъносиз бош эгди, яккам-дуккам япроқлар совуқдан дилдирай бошлади”².

Аммо икки қиссадаги икки тасвир қаҳрамонларнинг ҳолатига, тақдирига эш. Агар Алимардон кузатган қор унинг аянчли тақдирдан далолат берса, Ёдгор кутубхонада ўтириб кузатган қор ёғиши унинг маҳзун болалик даврига ва унинг зада бўлиб қолган қалбига ишорадир.

Албатта, саволлар туғилади: нега биринчи қор ёққанда унинг қалбида тушуниб бўлмас, “етни жунжиктирувчи” туйғулар бош кўтаради? Нега елкасидан оғир юк босиб тушади?

Бу саволларга ёзувчи кейинги саҳифаларда, Ёдгорнинг изтиробларини тасвирлаш асносида жавоб беради: Ёдгорнинг болалиги оғир кечган, икки ёшида ота-онасидан айрилган ва ҳатто ота-онасининг кимлигини ҳам билмайди; у чойхоначи чолга асранди ўғил бўлиб ўсади ва болалигидан чойхонада дастёрлик қилади.

Шу ўринда ортга чекиниш қилишга эҳтиёж туғилди. Психологлар бола тарбияси учун муҳит катта аҳамиятга эга, деган фикрни

¹ Ҳошимов Ў. Кўрсатилган китоб. 348-б.

² Ҳошимов Ў. Кўрсатилган китоб. 168-б.

илгари сурадилар. Бу фикр ҳамма вақт ҳам тўғри бўлавермайди. Бу фикрни Ўткир Ҳошимовнинг мазкур қиссасида ҳам кузатишимиз мумкин. Ота-онаси номаълум бола яхши муҳитга тушиб қолади; уни чойхоначи асраб олиб, яхши тарбия беради, у покиза одамлар даврасида улғаяди.

Шунингдек, ёзувчи бу тугун гап билан бўлажак фожиавий воқеага замин ҳозирлайди. Бу заминни янада мустаҳкамлаш учун куйидаги эпизодни келтиради: “Ёдгор кимсасиз трамвай бекатига келиши билан (ҳақиқатда, ёмғирли ва қорли кунларда барча бекатлар кўпинча кимсасиз бўлиб қолади, ёзувчи бу ҳолни кўп кузатган бўлиши керак) ёнидан “Тез ёрдам” машинаси қизил чироғини липиллатганча фарёд солиб ўтди (фожиадан хабар берувчи бу детал жуда усталик билан топилган). Қор тумани орасида унинг ноласи анчагача акс-садо бериб турди (ўлим ва фожа инсон қалбини анча вақт, балки умрбод яралашининг маҳорат билан ифода этилиши). Кейин “Меҳмонхона “Тошкент” деган пушти ранг чироқ ёниб турган бинодан қаҳқаҳа товуши, джаз садоси янгради” (пушти ранг — кувонч рамзи, қаҳқаҳа ва джаз садоси — ҳаёт давом этаётганлигига ишора, буни Ёдгорнинг кейинги гапи тасдиқлайди).

“Тошкент ғалати шаҳар, - деб ўйлади Ёдгор совқотган оёқлари билан ер тепиниб. - қачон қарасанг, кўзёши билан кулги ёнма-ён туради”¹.

Албатта, китобхон ҳайрон бўлиши мумкин: нима учун фақат Тошкентда? Катта шаҳарларда, одамлар зич жойлашган бошқа шаҳарларда ҳам аҳвол шундай; аммо қишлоқнинг у бурчагида бировнинг кўзидан бир томчи ёш оқса, нариги чеккасида шу томган ёш йиғига айланиши мумкин. Қиссанинг бошида ташланган тугуннинг чандиқлари бу гап билан сал бўлсин бўшашаётгандек.

Ер думалоқ; тоғ тоғ билан учрашмайди, аммо одамлар қаердадир бир-бирларига тўқнаш келавердилар. Бинобарин, Ёдгор билан қизнинг танишлиги тасодикий бўлса ҳам, китобхон бунга тўла ишонади. Ҳа, у қизни

¹ Ҳошимов Ў. Кўрсатилган китоб. 349-б.

театр ва рассомчилик институтида ўтказилган бир симпозиумда кўрган ва нутқини эшитиб, билимига ҳам, чиройига ҳам қойил қолган эди. Агар таниш бўлмаса, Ёдгор қизни қутқармасмиди, деган шубҳа бўлмаслиги керак. Шунинг учун ёзувчи китобхонни ишонтарадиган детал топади: қиз ўшанда, симпозиумда унга “фариштадек” кўринган эди. Бу гал эса бемаҳалда “аллаким билан қисилишиб ўтиргани ёқмади”. Аммо салдан кейин қизни бир бурчакка қисиб қўйганлар безорилар экани маълум бўлгач, у қизнинг ҳимоясига ташланади. Китобхон ана шу детал орқали бу тасодиф ва ҳимояга ҳам ишонади. Бундан ташқари, ҳар бир виждонли одам маъсума қизни безорилардан қутқаришга шошилиши табиий ҳол эмасми?!

Қизнинг оппоқ чехраси, миннатдор боқиб турган кўзлари Ёдгорнинг ҳаёлидан кетмайди ва бу китобхонни воқеалар ичига киришга янада қизиқтиради.

Ў.Ҳошимов асарларининг ижтимоий-маънавий моҳияти ҳам ижодий-эстетик тамойилларга асосланади. Агар А.Қаҳҳор қаҳрамонлари курашчан сифатлар, кескин табиати билан ажралиб турса, Ў.Ҳошимов асарларида характер тадрижи типик манзараларга боғлиқ ҳолда ёритилади. Маълумки, ёзувчи муваффақияти унинг адабиётга олиб кирган қаҳрамонлари билан ўлчанади. Шу жиҳатдан олиб қараганда Гавҳар («Шамол эсаверади»), Муқаддам («Баҳор қайтмайди») образлари Ўткир Ҳошимовнинг ўзига хос муваффақиятларидир. Албатта, образ бирон бир муҳим ҳаётий маънога эга бўлса ва услубий-бадиий қимматни ташисагина адабиётимизни бойита олади. Дарҳақиқат, адиб ижоди маънавий-психологик талқин теранлиги, характер яратишнинг типик ва аниқлиги билан ажралиб туради. Ўз-ўзидан аёнки, ижодкорнинг ўзига хос услуби воқеликни бадиий идрок этиш, бадиий тафсилот ва тасвир воситаларидан фойдаланиш даражаси орқали намоён бўлади. Зеро, адабий дунёқарашнинг шаклланишини, бир томондан, ҳаётий нафосатнинг ҳиссий кўлами белгиласа, иккинчи томондан, фалсафий идрокнинг бадииятда намоён бўлиши белгилайди. Шу маънода, ҳар бир асар

муаллиф нуқтаи назарининг умумлашган, аниқлашган ҳамда муайян тизимга солинган шамойили ҳисобланади. Ўткир Ҳошимов бадиий олами бир карашда ранг-баранг ва мураккабдек таассурот уйғотади. Бирок, адиб қаҳрамонлари тадрижга назар солинса, улар орасида мантиқий боғлиқлик мавжуд эканлиги кузатилади. Образ табиатини очиб беришга йўналтирилган бадиий чизгилар асардан-асарга теранлашиб, мукаммаллашиб бориши сезилади. Тасвир ва ифодадаги синчковлик, характер такомилидаги табиийлик нозик иқтидор эгасининг адабий маҳоратидан дарак беради.

Ёзувчи тугуннинг чандиқларини бўшатишга ёрдам берувчи персонажларни олиб киради: бу Ёдгорнинг ҳамётоғи ва ҳамкурси Зойиржон ва аспирант Аваз. Лекин ундан олдин ёзувчи қисса сўнгидаги фожианинг сабабчиси Васида Назаровна билан таништиради. Адиб унинг ташқи кўриниши билангина таништириб, Чарос орқали “онасининг қаттиққўллигидан” чўчишини ахборот тарзида билдиради, холос. Воқеалар давомида ҳақиқатан ҳам унинг қаттиққўллиги кўз олдимизда намоён бўлади.

Бу қаттиққўллик биз тушунган тартиб-интизом учун эмас, ҳокимлик ва зулм асосида эди. Ундан нафақат қизи Чарос, балки бутун мактаб “зир титрайди. Ўқитувчилар, директордан эмас, завучдан қўрқамиз, дейишганини ўзиям эшитган”. Ёзувчи Васида Назаровна қиёфасида ҳокимликка интилган, худбинлик билан бошқаларнинг юрагига қўл суқадиган одамларни эмас, айнан шу хилдаги аёлларни умумлаштиради. Адиб бу умумлаштиришни Васида Назаровнанинг шахсий турмуши билан асослайди. Адибнинг ахборот беришича, у “олов бўлган”. Қадимги файласуфлардан тортиб ҳозиргиларигача инсонда икки туйғу ҳукмрон - муҳаббат ва нафрат, дейдилар. Албатта, бу хулосада унчалик хато йўқ, аммо аниқлайдиган, тўлдирадиган унсурлар бор. Инсоннинг гўдаклигидан бошлаб унинг қалбига меҳр-муҳаббат уруғлари экилади. Борингки, ўн саккиз-ўн тўққиз ёшларигача шу уруғлар униб чиқади. Кейин унда иззатталаблик пайдо бўлади. Иззатталаблик эса, нафратни туғдиради.

Кимдир ва кимлардир мана шу иззатталаблик иллатларини енгишга қодир, кимдир ва кимлардир бу иллатни рағбатлантириб боради. Васи́ла Назаровна ҳам ўн саккиз-ўн тўққиз ёшларидан иззатталаблик иллатини қалбига сингдирган одамлардан бири эди. Ана шу иллатни ёзувчи мукаммал асослаб беради.

“Ҳозирги ўзбек адабиётида яратилаётган насрий асарларда қаҳрамонларнинг монологлари ички (овозсиз) ва ташқи (овозли), ҳажман катта ёки кичик бўлиши мумкин. Одатда қаҳрамонларнинг ички монологи асарда рўй бераётган ғоят кучли драматик ҳодисалар таъсирида мураккаб вазиятга тушиб қолган инсоннинг руҳий оламини чуқур таҳлил этишга ёрдам беради. Ташқи монолог эса асар воқеаларини ривожлантиришга, бўлиб ўтган, ёки, айни чоғда бўлаётган ҳодисага муносабатини белгилашга, атроф-муҳитни ва одамларни баҳолашга хизмат қилади”¹.

Васи́ла Назаровна тасвирида ҳам адиб ўз услубига содиқ қолади. У аввало она эди. Асарларида оналарни мадҳ этган, уларни кўкларга кўтарган ёзувчи Васи́ла Назаровнани дастлаб ўқувчига шундай таништиради: “Васи́ла Назаровна бош яланг, оқ оралаган сочлари силлиқ таралган, кўк жемпер кийиб олган, бир қўлида коса кўтариб, иккинчи қўли билан эшик дастасини ушлаб турарди”².

Бу тасвирни ўқиган китобхонда фарзанди камоли ва унинг борлиги учун жонини фидо қиладиган мушфиқ оналар гавдаланади. Бироқ матндаги “бош яланг, оқ оралаган сочлари силлиқ таралган” тасвири ўзбек ўқувчиси ўрганиб қолган ёки тасаввур этадиган она сиймосидан бошқачалиги сергак торттиради.

Васи́ла Назаровна ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидаги ҳолатни кўришимиз мумкин: у чиройли қиз бўлган, бунинг устига ўта ғайратли ва ташаббускор. Чиройли қизлар ҳамиша ярқ этиб кўринишни

¹ Солижонов Й. XX асрнинг 80-90 йиллари ўзбек насрида бадий нутқ поетикаси: Филол. фанлари доктори ... дисс. автореф. – Тошкент: 2002. – Б. 20-21.

² Ҳошимов Ў. Севги қиссалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 357-б.

хоҳлайдилар. Бунинг устига у олий ўқув юртида математика факултетининг комсорги (комсомол ташкилотчиси, биз тарих китоблари, ёши катта инсонларнинг хотираларидан биламизки, комсомол секретари жуда катта мансаб ва масъулиятли иш ҳисобланган) бўлгач, ҳалиги иззатталаблик рағбатланиб кетади. Ёзувчининг ўзи ахборот берганидек, 40-йиллар арафаларида (қисса 1972 йилда ёзилганлигини унутмайлик) комсомол ташкилоти кучли эди, “Ўша йиллари комсомол аралашмаган иш йўқ эди”, ҳатто одамларнинг юракларига қўл тиқиб чангаллашга ҳам ўзини ҳақли деб биларди. Ҳатто 30-йиллар қатағонларида ҳам жуда кўплаб мудҳишликлар комсомол фаоллари қўли билан бажарилганлигини ҳам ўқиганмиз. Василя Назаровнанинг комсомол фаолиятида ҳам шундай бўлди; у хотини билан жанжаллашиб қолган бир талабани ўқишдан ҳайдаттирди. Кимнидир оилавий жанжал учун ўқишдан ҳайдаттирдию юраги жиз этиб ҳам қўймади, шу ишим эҳтимол хатодир, деб ҳам ўйламади. Демак, у жуда принципиал раҳбар. Шундай “принципиаллик” туфайли қанчадан-қанча одамларнинг ёстиғи қуриганлиги, қанчадан қанча одам узоқ ўлкаларга сургун қилингани, қанчадан қанча оилалар сарсон саргандонликда қолгани тарихдан маълум. Комсомол назарида муаллим ўз талабасига ҳам уйланиши мумкин эмас. Комсомол ҳатто муҳаббат масаласида ҳам ўзига рецепт тайёрлаб қўйган. Василя Назаровна факултетдаги бир муаллимни талабасига уйланмоқчи бўлганлиги учун жонини суғуриб олишгача боради.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак: айнан шу масала яъни оилавий жанжал масаласи бўйича ёзувчи 40-йиллар ва 70-йиллар воқеалигини параллел келтиради. 70-йиллардаги комсомол етакчиси “ёноқ суяклари туртиб чиққан, кичкина, дум-думалоқ қорачиқли кўзлари ўйнаб турадиган, доим диккайиб турадиган сочларини ҳўллаб тараган, қора костюм-шим кийган” Искандаров, сабоқдошлари қўйган лақабга кўра “қуруқ” “бировни нега яхши кўрасан, деб сўроқ қилишга” уялмайди. Уни қалб изтироблари, руҳият тўлғанишлари, севгининг азобларию

ширинликлари, умуман, эзгулик қизиқтирмайди. Уни фақат шуҳрат, мансаб, бировларнинг устидан ҳукмронлик қилишгина қизиқтиради ва доим шу нарсалар унинг мақсадига айланади.

Ўрни келганда ёзувчининг “Тушда кечган умрлар” романидаги комсомол етакчиси Санжар Оллобергановни чоғиштириш зарурати туғилади. Санжар Васи́ла Назаровна ва Искандаровлардан анча фарқ қилади. Лекин бу фарқ сиртқи жиҳатдан холос, моҳият эса битта. Санжар икковидан фарқли равишда силлиқроқ, юмшоқроқ, раҳмдил ва маданийроқ. Лекин уям ўз мансаби учун пахтаси аллақачон тугаган, балчиқ босиб ётган далага талабаларни ҳайдайди.

Лекин бу персонажлар билан ёзувчи комсомолни ерга ҳам қориштириб ташламайди. 70-йиллар воқелигида бундай тасвир бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Ўтқир Ҳошимов асарларида шундай бир хислат борки, у энг ёмон нарсадан ҳам, ҳодисадан ҳам яхшилиқ излайди. У шу маънода коммунистларнинг “қобил фарзанди” бўлган комсомолдан ҳам эзгулик ахтаради ва топади ҳам. Искандаров ҳовлиқиб, ўпкасини қўлтиқлаб ўтказаётган “ахлоқ” мажлисига институт доценти Маҳмуда Алиевна сув сепеди.

“Анави аёлнинг хати... мени ўйлантириб қўйди. “Қирқинчи йилларнинг комсомоллари бундай масалаларни бир мажлисдаёқ ҳал қилиб қўйишарди”, дебди... Мен ҳам қирқинчи йиллар авлодига мансубман. Қирқинчи йилларнинг комсомоллари жанг қилишди. Вайроналар ўрнида шаҳарлар бунёд этишди... Ҳали бир қизча айтди. Ҳозирги комсомоллар ота-оналарининг анъаналарини давом эттирмаяпти, деди. Менимча, бу унчалик тўғри эмас. Ўша аёл ёзганидек, агар қирқинчи йилларнинг комсомоллари бировларнинг юрагини кавлаштириш билан овора бўлганида бошқа ишлар қолиб кетарди. Агар баъзилар шундай қилган бўлса, қаттиқ адашган экан”¹.

¹ Ҳошимов Ў. Севги қиссалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 468-б.

Ана шу ерда ёзувчи “ахлоқпараст” комсомолларнинг характерларига яқун ясаб кўя қолади. Маҳмуда Алиевнанинг гапи орқали ёзувчи комсомол ишини улуғлаш нияти йўқ, унинг нияти битта холос; ҳар бир қавмда, ҳар бир гуруҳда яхши ва ёмон одамлар борлигини намоёиш қилиш. Ёзувчи Васида Назаровна билан Искандаров орқали ёшларнинг майда-чуйда, ипириски нарсалар билан шуғулланишини қоралайди: “Вақтингиз кўп бўлса, бировнинг юрагини қавлагандан кўра, ана, қурилишга боринг!.. Ҳаммага иш топилади”¹, - дейди, Васида Назаровна ва Искандаровга қарама-қарши кўйилаётган Маҳмуда Алиевна уларга қарата.

Бўш идишни қум билан ҳам тўлдириш мумкин, тош билан ҳам. Агар идиш қум билан тўлдирилса, унга бошқа нарсани солишнинг иложи бўлмайди. Бўш идишга йирик тошлар солинса, унга майда нарсалар ҳам сиғади. Агар умрни идиш деб билсак, уни бекорчи нарсалар билан тўлдирмаслик, умрни зое ўтказмаслик керак. Ёзувчининг Искандаров ўтказган мажлисни ва Васида Назаровнанинг ҳаёт йўлини тасвирлашдан мақсади ана шу эди.

Умр йўлларида Аваз, яна бир қанча ёшлар сингари оёқ тагида сирғанишингиз учун ётқизилган қумлар кўп учрайди. Улар ҳақиқатда ҳам Васида Назаровна ва Искандаровларнинг ғаламислик ва жоҳилона ишларига ёрдам беради.

Васида Назаровна ва Искандаров мукамал образлардир. Ўткир Ҳошимов Васида Назаровнанинг образини яратар экан, унинг қиёфасидаги ҳар бир чизикқа жило беради, унинг шу қадар жоҳил ва иззатталаб бўлиб етишишидаги ҳар бир чизикни аниқ-таниқ кўрсатади. Искандаровга келганда, ёзувчининг сеҳрли мўйқалами бир чизик тортиш билан комсомол “вожаги”нинг тўла қиёфасини кўз олдимизда намоён қилади-қўяди: “ёнок суяклари туртиб чиққан, кичкина дум-думалоқ қорачикли кўзлари ўйнаб турадиган”, “доим диккайиб турадиган сочларини хўллаб силлиқ тараган,

¹ Ҳошимов Ў. Севги қиссалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 469-б.

қора кастюм-шим кийган” бу “қуруқ” ювилмаган кўлини бировнинг юрагига солиб, уни чангаллашга уста. Айни шундай, ёзувчи Авазни ҳам, “қашқадарёлик сап-сарик қиз”ни ҳам, “коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси”ни яхши биладиган Ҳикматиллани ҳам, муҳаббатнинг тотли онларини ўзи ҳис қилган Наргизани ҳам, “оширилган стипендия оладиган аълочи қиз” Нафисани ҳам, бировнинг “юрагидаги чўғга қора касов тиқиш”ни ёмон кўрадиган Нурматни ҳам, ёшига номуносиб жиддий, силлиққина, Васида Назаровнинг даъвати билан Чаросга осилиб юрган Дилшодни ҳам, устозларга хос вазминликни касб этган Маҳмуда Алиевнани ҳам, трамвайдаги безориларнию трамвай ҳайдовчисини ҳам мўйқаламни бир юритиш билан кўрсатиб беради. Бу персонажларни тасвирлашда ранг-баранг бўёқлардан фойдаланса, Ёдгорнинг собиқ хотини, никоҳ кечаси бокира чиқмаган Азизани, ахлоқни бойлик билан ўлчайдиган оиланинг тантик кизини тўсдек қора бўёқда бир чизик билан тайёр енгилтак аёл сифатида кўрсатиб қўя қолади. Биз эса, бу бўёқларнинг биронтасини инкор эта олмаймиз.

Шу ўринда адабиётшунос Абдуғафур Расуловнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш лозим: “Ўтқир Ҳошимовнинг бадиий ва публицистик асарларида Миллий университет, унинг анъаналари, профессор-ўқитувчилари бот-бот тилга олинади. Ёзувчининг “Шамол эсаверади”, “Одамлар нима деркин”, “Қалбингга қулоқ сол” қиссаларининг асосий қаҳрамонлари университет талабалари. Айниқса “Қалбингга қулоқ сол ” қиссидаги Ёдгор, унинг хушчақчоқ дўсти Зойиржон университет талабалари. Университет аспиранти Аваз унинг боғчада тарбиячи бўлиб ишлайдиган хотини Тамила тимсолларининг прототипини кўпчилик яхши биледи”. Бу гаплардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ёзувчи асарларидаги воқеалар шунчаки тўқима гаплар эмас. Асарни ёзиш, қаҳрамонлар характерини чизишда ёзувчи кўп изланган, инсонлар табиатини эринмай кузатган. Ёдгор, Чарос, Зойиржон, Дилфуза, Рустам образлари ёзувчидан

анчагина машаққатли меҳнат талаб қилганлиги кўриниб турибди. Машаққатли меҳнат дастлаб Дилфуза образида намоён бўлади.

Ёзувчи бу одамларни машаққатли йўллардан олиб ўтади. Уларнинг ҳаёт йўллари, тақдирлари ҳақида қатор саволлар туғилади.

Жумладан, ёзувчи нима учун асосий қаҳрамонлардан бири учун етим ўсган болани танлаган? Муҳаббат ва номус масаласини тадқиқ этиш учун нега мактаб ўқувчиларини тасвир объекти қилиб олган? Бу ёзувчининг истагими ёки ҳаёт тақазосими? Ёхуд тасодифми?

Ўткир Ҳошимов устози Абдулла Қаҳҳорнинг “қаҳрамонларни иложи борица торроқ жойлардан олиб ўтиш керак”, деган насиҳатини унутмаган. Айнан ана шунинг учун ҳам қаҳрамоннинг саботлилигини кўрсатиш, муҳаббат ва номуснинг нималарга қодир эканлигини исботлаш учун Ёдгорни, Рустам ва Дилфузани танлаган. Ана шунақа тор йўлдан олиб ўтиш учун булар сафига онанинг ёлғиз қизи Чаросни қўшган.

Биринчи саволга жавоб шуки, етим болани “торроқ жойлардан олиб ўтиш” осонроқ. Агар Ёдгор етимлик билан ўсмаганда ёки покиза бўлмаганда Азизанинг тузоғига тушиши қийин эди ёки умуман мумкин эмас эди. Унинг покизаллигини ва аёллар масаласида соддалигини йигитчанинг хатти-ҳаракати айтиб турибди.

Ёдгор - архитектура олий ўқув юртининг талабаси. Аммо бу институтга киргунга қадар қурилишда ишлаган ва ғишт терувчилик касбини эгаллаган эди. У кунлардан бир куни магазинга шим олиш учун кириб тузоққа илинади: “Пештахта ортида турган қош-кўзлари қоп-қора, дўмбоққина қизни кўрдию юраги жиз этди”¹. Шу шим баҳонасида у ҳар куни дўконга кирадиган бўлиб қолди. Ёзувчи бу ўринда Ёдгор билан Азизанинг учрашувларини, кинога тушишларини тасвирлаб ўтирмайди, шунингдек, Азизанинг уйдагилар бу нарсага қандай муносабатда бўлаётганларини ҳам ҳикоя қилмайди. Агар ёзувчи шундоқ қилганда қиссанинг ритми бузилиши,

¹ Ҳошимов Ў. Севги қиссалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 365-б.

китобхонни майда-чуйда тафсилотлар билан толиктириши мумкин эди. “Айни узум пишиғида Азиза Ёдгорни иккита ўртоғи билан меҳмонга чақирди. Уларнинг каттакон боғи бор экан. Йигитлар узумхўрлик қилишди. Азизанинг селпо раиси бўлиб ишлайдиган отаси Ёдгорнинг авлод-аждодини суриштирди”¹.

(Ҳозирги китобхонлар учун “селпо” атамасини тушунтирмаса бўлмас: селпо - селское потребителское отделение, қишлоқ матлубот бўлими. Бу бўлимда озиқ-овқатдан тортиб моддий товарларгача бўлар, селпо раиси эса, туманда райком ва райижроқўм раисидан кейинги муҳим шахс ҳисобланарди, чунки унинг бебилиска пули кўп бўларди, каттаконларни боқадиган “Ҳотамтой” эди).

Ёзувчининг ана шу ахбороти китобхон учун етарли: ота қизининг йигит билан танишувини билган ва энди ўзи танишиб, унинг етимлиги ва ҳеч кими йўқлигини билгач, қизининг номуссизлигини Ёдгор орқали пардаламоқчи бўлган. Бундай одамларнинг хаёлида фақат битта фикр ҳукмрон: пул бўлса, чангалда шўрва. Бундай одамлар унча-мунча одам билан куда бўлмайдилар, ҳатто унча-мунча одам билан бирга ўтириб ош емайдилар. Аммо етимча Ёдгорни данғиллама уйига куёв қилди; азбаройи қизининг айбини ва ўзининг шармандалигини ёпиш учун. Бундайлар учун бошқаларнинг ғурури, одамийлиги уч пул; фақат ўзларини ўйлайдилар, холос. Айни пайтда етим бир болани куёв қилгани учун ор ҳам қиларди. Шу учрашувдан бир ой ўтиб тўй бўлди. Қўша-қўша қимматбаҳо гарнитурлар, юмшоқ гиламлар орасида яқиндагина чой ташиб юрган Ёдгор гандираклаб қолади. Бироқ текин пишлоқ қопқонда бўлганидек, бу сийловлар замирида ҳам бир найранг бор эди. Ёдгор алданган эди. Бир мунча вақт аёл кишининг кўз ёшларига алданиб юришга мажбур бўлди.

Лекин Ёдгор ғурури топталса ҳам Азизани бир неча вақт хотин қилди: шиширилган пуфак ёрилгунча. Ёдгор ғурурли эди, гарчи Азизанинг ота-

¹ Ҳошимов Ў. Севги қиссалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 366-б.

онаси уни одам ўрнида ҳисобламаса ҳам ўз одамийлигини, йигитлигини баланд тутарди; у олти ой мобайнида Азизага яқинлашмади, етимликда сарқит еб ўрганган бола ўша сарқитларни ҳам ўз меҳнати билан ҳалоллаб ерди, энди бу сарқитни тановул қилишга ғурури йўл қўймади. Ёдгорнинг кизига эътибор бермаётганлигини билган қайнона уни турткилай бошлади. Албатта, ота ҳам бу гапдан хабардор, энди у Ёдгорни ёғли иш билан алдамоқчи бўлади, аммо пешона тери билан ўзини боқишга ўрганган Ёдгорнинг ҳам гапини қайириб ташлайди. “Мен савдога кирмайман. Ўзингизни уринтирманг”¹. Мана шундан кейин оила ойнаси дарз кетади.

Шу ерда табиий савол туғилади: Ёдгор шу қадар ғурурли экан, нима учун биринчи кечадаёқ тупуриб чиқиб кетмади? Ёзувчи бунга бир оғиз гап билан жавоб беради: “Анчадан кейин Азиза йиғлади. Уни жонидан ортиқ кўришини айтди.

Хотин кишининг йиғиси ширин бўлади. Ёдгорнинг раҳми келди. Хотинини овутди”².

Эркак кишини, айниқса, ёш йигитларни ром қиладиган, уни боғлаб оладиган аёл кишининг нозу истиғноси бўлса, йигитни чилвир сочларига боғлаб оладиган охирги чораси йиғисидир. Аёл кишининг кўз ёшлари кўз милкларининг таккинасида туради, дарҳол пирт этиб чиқиб, дудоқларидан оқиб тушади. Ёдгор сингари етимликда ўсган, доим кўнгли ўксик бўлган йигитлар бунақа йиғиларга бардош беролмай, таслим бўлади. Айниқса, аёл кишининг шайтон йиғиси борки, бунга унча-мунча йигит чидолмаса керак. Азизанинги йиғиси шайтоний эди. Тажрибасиз, ҳали аёл кишининг макрини билмайдиган, тушунмайдиган Ёдгор шунинг учун ҳам олти ой шу хонадонда қолган бўлиши мумкин. Қаҳрамонларни ўта табиий тасвирлашни мақсад қилган маҳоратли ёзувчигина мана шундай йўлни тутиши мумкин. Ёдгор

¹ Ҳошимов Ў. Севги қиссалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 368-б.

² Ҳошимов Ў. Севги қиссалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 367-б.

образининг мана шундай тиниқ тасвири ўқувчини унга бўлган меҳрини, муҳаббатини оширади.

Кунлардан бир куни Ёдгор ўзи билан бирга ишлайдиган, ўзи каби меҳнаткаш, ўзининг дардига, характериға яқин бўлган инсонларни уйға олиб келганда Азиза эшик очмайди, бунинг устиға меҳмонлар олдида Ёдгорни ҳақоратлайди. Ана шу ерда ришта узилади: Ёдгор Азизани талоқ қилади. Китобхонда, албатта, табиий савол туғилиши мумкин: ахир, Ёдгор Азизани севиб қолиб, кейин уйланган эди-ку, севгили одамнинг қусурини кечириш мумкин эмасмиди? Севгининг кўзи кўр бўлади, севгили кишининг нуқсонлари ҳам фазилат бўлиб кўринади, деган гаплар бор. Аммо ҳар қандай оташин севгиға хиёнат ва ахлоқсизлик аралашса, у ўша захоти ўчади. Ундан ташқари қиз боланинг номуси ҳар қандай нарсадан устун туришини ёши катталардан эшитиб катта бўлган, имон-эътиқодли инсонларнинг тарбиясини ўзига сингдирган, ёшликдан қарама-қарши жинс вакилларини рашк қилиш, қизғаниш руҳида катта бўлган йигит бундай бевафоликка жимгина қараб турмас эди. Ёдгорнинг бўз йигитлигини, қувлик-шумлик нималигини билмай ўсганлигини ҳисобға олсак, унинг хиёнат тузоғиға илиниши табиий. Сўнгра ёзувчи Ёдгорнинг Азизаға интилиши кўр-кўрона эканлигини кўрсатган. Чунки Ёдгор дастлабки кунларданок ўзининг Азиза ва унинг ота-онаси учун номусни ёпадиган бир парда эканлигини тушуниб етган эди.

Ёзувчи бу ўринда Ёдгорнинг Азиза ва Чаросға бўлган муносабатини чоғиштирган. У “пештахта ортидаги” Азизанинг чиройини кўриб, “юраги жиз” этади, Чароснинг эса кўзлари унинг юрагиға ўрнашиб қолади. Агар биринчисида йигитда ҳирс устунлик қилган бўлса, иккинчисида туйғу устувор эди. Бунда ҳам ёзувчининг муҳаббат бобидаги ўта синчков кузатишлари ва тажрибаси сезилиб туради.

“Кейин... кейин Ёдгор эшик томонға қарадию бирдан юраги шув этиб кетди. Назарида уй янаям ёришиб кетгандай, ҳали ичмай туриб маст бўлиб

колгандай, ичида куёш порлаб чиққандай бўлди”¹. Чунки Янги йил кечаси Ёдгор дўсти Зойиржон билан Авазникига келганда уйга Чарос кириб келган эди. Чароснинг бир ўзи эмас, француз тили муаллими, “кинодаги офицерлардек бошини кескин силкиб сўзсиз” саломлашадиган, “силлиққина йигит” Дилшод билан бирга кириб келган ва уни Ёдгор Чароснинг эри деб ўйлаб, “юраги тирналган” эди. Чарос ҳам Ёдгорни кўриб қувониб кетади, бу унинг пирпираган киприкларида, маъсум жилмайишида зоҳир бўлади.

Ёдгор билан Чароснинг муҳаббати замирида манфаат йўқ, фақат икки қалбнинг бир-бирига интиқлиги бор, холос. Ҳақиқий муҳаббат ғаразсиз бўлади. Икки қалб ўртасида биргина манфаат бор: висол. Ана шу манфаатга етишиш учун ораликда жуда кўп машаққатли йўллар борки, адиб қаҳрамонларини ана шу йўлдан олиб ўтади.

Дилфуза билан Рустамнинг муҳаббати ва бу муҳаббатнинг ниҳоясига келсак, қаҳрамонлар висол деган манфаатга етиб бормайдилар. Уларнинг ораларига бегоналар аралашади. Ёдгор билан Чароснинг висол манфаатларига ҳам бегона қўллар чанг солган, аммо ҳаётнинг кўпгина синовларидан ўтган, ҳам ўқимишли Ёдгор, ҳаётда ўзини тутиб олган ва олдига қўйган мақсади сари интилаётган Чарос бу бегона қўлларни қирқишга куч топа биладилар. Аммо 10-синфни битираётган Рустам, эндигина 9-синфда ўқиётган Дилфуза бу бегона қўлларнинг чангалидан кутулиш чораларини тополмайдилар. Қиссада Ёдгор ва Чарос, Рустам ва Дилфуза муҳаббатларининг тасвири ҳам китобхонга, айниқса, ёшларга бу муқаддас туйғуга фақат эҳтирос, ҳис-ҳаяжон билан қарамаслик, балки ақл-идрок билан муносабатда бўлишликни ҳам уқтириб туради.

Муҳаббат оддийгина ҳақиқат: у вужуд ва кўздан иборатдир. Яна шуниси борки, муҳаббат вужудлараро эмас, қалблар аро бўлишлиги шу тушунча билан боғлиқдир. Ҳофиз Шерозий айтганидек, муҳаббат денгиз мисоли, фақат унинг қирғоқлари йўқ, муҳаббат йўлида бутун қалбинг ва

¹ Ҳошимов Ў. Севги қиссалари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. 373-б.

кониинги сарфласанг ҳам, у кўрдим демайди. Бинобарин, муҳаббат - оғриқ ва изтироб, у бутун вужудинги қамраб, тинчлик бермайди, қандайдир тушунарсиз эҳтирослар ва буюк андуҳ туғдиради.

Ўткир Ҳошимов муҳаббатнинг ана шундай кучини Ёдгор ва Чарос, Рустам ва Дилфуза образларида бадиий бўёқлар билан англашиб беради. “Қаҳрамон руҳий драматизмини ёритишда ижодкор маҳорати” деб номланган ушбу бобга шундай хулосалар қилиш мумкин:

1. Ёзувчи “Қалбингга кулоқ сол” қиссаси воқеаларини тасодифий ҳолатлардан бошламайди. Балки воқеалар бошлангунига қадар бир тугун ташлайди. Яъни безорилар билан Ёдгорнинг муштлашуви шу тугуннинг дастлабки чандиғини ечиш учун бир детал вазифасини ўтайди.

2. Адиб асарларида пейзаж тасвири қаҳрамонлар руҳий ҳолатини ёритишда муҳим омил вазифасини ўтайди. “Баҳор қайтмайди” қиссаси қаҳрамони Алимардон кузатган қор унинг аянчли тақдирдан далолат берса, “Қалбингга кулоқ сол” қиссасидаги Ёдгор кутубхонада ўтириб кузатган қор ёғиши унинг маҳзун болалик даврига ва унинг зада бўлиб қолган қалбига ишорадир.

3. Ў.Ҳошимов асарларининг ижтимоий-маънавий моҳияти ҳам ижодий-эстетик тамойилларга асосланади. Унинг асарларида характер тадрижи типик манзараларга боғлиқ ҳолда ёритилади.

4. Ёзувчи асарда Ёдгорнинг Азиза ва Чаросга бўлган муносабатини ҳам чоғиштиради. Агар биринчисида йигитда ҳирс устунлик қилган бўлса, иккинчисида туйғу устувор эди. Бунда ҳам ёзувчининг муҳаббат бобидаги ўта синчков кузатишлари ва тажрибаси сезилиб туради.

5. Ўтир Ҳошимов Васида Назаровнинг образини яратар экан, унинг қиёфасидаги ҳар бир чизиққа жило беради, унинг шу қадар жоҳил ва иззатталаб бўлиб етишишидаги ҳар бир чизиқни аниқ-таниқ кўрсатади. Бу ҳол асардаги драматик вазиятларни ёрқинроқ чиқишига туртки беради.

6. Қиссада Ёдгор ва Чарос, Рустам ва Дилфуза муҳаббатларининг тасвири ҳам китобхонга, айниқса, ёшларга бу муқаддас туйғуга фақат эҳтирос, ҳис-ҳаяжон билан қарамаслик, балки ақл-идрок билан муносабатда бўлишликни уқтириб туради.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ў.Ҳошимов асарлари шакл ва мазмун жиҳатдан ранг-баранг. Адиб асарларида, айниқса, муҳаббат мавзусининг бадиий талқини ўзига хослиги ва бадиий теранлиги билан ажралиб туради. Адиб ижодини ўрганиш натижасида муҳаббат мавзусининг асардан асарга, жанрдан жанрга, образдан

образга томон мукаммаллашиб, бадий талқини чуқурлашиб боришини кузатиш куйидаги умумий назарий хулосаларга олиб келди:

1. Ў.Ҳошимов ижодида теран лиризм эпик сарҳадларнинг аниқ йўналишини белгилаши, айти пайтда ривоя усули руҳий таҳлилни максимал ифодага яқинлаштиради, умуминсоний ғоялар ва улар ифодасининг миллат руҳиятидаги мезони лирик ифода ҳамда эпик кўламни белгилайди. Адиб асарлари таҳлилининг эстетик ифода ва тасвирда мувозанат-меъёрга қатъий риоя қилиш билан боғлиқ. Бу меъёр-муносабат ижодкор фитратидан давр умумлашмасига ўтишда зинапоя вазифасини бажаради;

2. Барча замонлар учун муштарак муаммолар талқини санъаткор қалб призмасида ўзига хос тарзда лиризм залвори ва эпик кўламдорлик билан уйғунлашиб бир-бирини тўлдиради, Ў.Ҳошимов асарларида муаллиф «мен»и шаклидаги эпик баён усули, ногаҳоний тарзда пайдо бўладиган кечинма мушоҳаданинг эркинлиги ва кенглигини таъминлайди. Кичик ва катта полотнодаги асарларида хотира-хаёл, монолог-муҳокама каби тасвирий восита усуллари муҳаббат мавзусини ёрқинроқ кўрсатишга хизмат қилади;

3. Ў.Ҳошимов асарларида характер ва миллийлик бир-бирига ўтиб туради. Тўғрироғи, мазкур икки тушунча ҳаётни поетик тадқиқ этишнинг муҳим икки қирраси сифатида ўзаро изоҳланган, далилланган ҳамда тартибга солинган бадийлик даражасини юзага келтиради, муҳаббат ва эътиқод барқарорлиги, маънавий муҳит таъсири ва ахлоқий тамойиллар муштараклигини тасвир марказига кўтаради;

4. Ёзувчи талқини марказларидан бирида доимо муҳаббат мавзуси туради. Мазкур мавзу асардан асарга теранлашиб, мураккаблашиб ҳамда мукаммаллашиб боради; муҳаббат мавзуси жанрдан жанрга томон, образдан образга томон қуюқлашиб боради. - Алимардон ва Муқаддам (“Баҳор қайтмайди”) Зиёда (“Чўл ҳавоси”) – Тошпўлат ва Солия (“Сирли юлдуз”), - Ёдгор ва Чарос (“Қалбингга қулоқ сол”) каби тадрижий бадий эволюсияни кузатиш мумкин;

5. Тасвир усули ва воситаларининг ранг-баранглиги муаллиф карашларининг мақсадга йўналтирилганлик ҳамда узилган фикр-туйғулар доимий равишда ғоявий бутунликка интилади, бир-бирини тўлдирадиган, изоҳлайдиган ҳамда тартибга соладиган белгиларга айланади, асарларда муҳаббат мавзуси ва унинг ривожига таъсир ўтказадиган ҳолат ифодаси аксар нукталарда ўзаро уйғунлашиб кетади. Адиб майда тафсилотларда ҳам аниқлик ва ёрқинликка эришишга интилади;

6. Нутқни ифодалаш тарзи ва усуллари ёзувчи услуби ҳамда маҳорат уйғунлигини таъминлайди, ижодий манера характер такомилининг муайян эврилишларда намоён бўлишини инкишоф этса, поетик маҳорат тил сатҳларидан фойдаланиш даражаси билан ўлчанади, ижодкор фитрати баъзан қаҳрамон нутқига араллашиб бадиий синтезлашган фалсафий-ахлоқий умумлашмани кучайтиради, нутқий фаолият тафсилотни ранг-баранг миқёслардан ёритиш, баҳолаш ҳамда умумлаштириш воситасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

- 1.1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. 173 б.
- 1.2. Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 39 б.
- 1.3. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 446 б.
- 1.4. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маъруза // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2017 йил, 4 август, №32.

2. Илмий – назарий адабиётлар

- 2.1. Адабиёт назарияси. Икки томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1978. 415 б.
- 2.2. Адабиёт назарияси. Икки томлик. 2-том. – Тошкент: Фан, 1979. 444 б.

- 2.3. Адабий турлар ва жанрлар. Уч томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1991. 382 б.
- 2.4 Арасту. Поетика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. 351 б.
- 2.5. Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари (Рус тилидан У.Жўрақулов таржимаси) – Тошкент: Академнашр, 2015. 280 б.
- 2.6. Белинский В.Г. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўздавнашр, 1955. 509 б.
- 2.7. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 560 б.
- 2.8. Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006. 204 б.
- 2.9. Жўрақулов У. Назарий поетика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. 353 б.
- 2.10. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. 546 б.
- 2.11. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент: Мухаррир, 2011. 87 б.
- 2.12. Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. 362 б.
- 2.13. Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. 544 б.
- 2.14. Норматов У. Ижод сеҳри. – Тошкент: Шарқ, 2007. 351 б.
- 2.15. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. 336 б.
- 2.16. Расулов А. Ардоқли адиб. – Тошкент: Шарқ, 2001. 128 б.
- 2.17. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: 2004 й. 127 б.
- 2.18. Содик С. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. – Тошкент: Шарқ, 2005. 320 б.
- 2.19. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. 270 б.
- 2.20. Улуғов А. Қиссачилигимиз қирралари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981. 136 б.

- 2.21. Улуғов А. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. 308 б.
- 2.22. Холдоров Д. Ижод моҳияти – услуб хосияти. – Тошкент: Турон замин зиё, 2017. 160 б.
- 2.23. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004. 640 б. б.
- 2.24. Ўзбек адабий танқиди тарихи // Назаров Б., Расулов А., Аҳмедова Ш., Қахрамонов Қ. – Тошкент: Тафаккур қаноти, 2012. 395 б.
- 2.25. Қуронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Академнашр, 2010. 397 б.
- 2.26. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. – Тошкент: Халқ мероси, 1994. 136 б.
- 2.27. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. 199 б.

3. Диссертатсия ва диссертатсия авторефератлари

- 4.1. Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм: Филол. фан номзоди... дис. автореф. – Тошкент: 2012. 26 б.
- 4.2. Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепсияси (70-80- йиллар): Филол. фан. д-ри... дис. – Тошкент: 1994. 320 б.
- 4.3. Солижонов Й. XX асрнинг 80–90- йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поетикаси: Филол. фанлари доктори ... дисс. автореф. –Тошкент: 2002. 46 б.
- 4.4.. Холдоров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси (Шойим Бўтаев ва Назар Эшонқул қиссалари мисолида): Филол. фан. бўйича фал. доктори.. дис. автореф. – Тошкент: 2018. 48 б.

4. Бадиий адабиётлар

- 4.1. Ҳошимов Ў. Севги қиссалари – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. 480 б.
- 4.2. Ҳошимов Ў. Танланган асарлар. 2 жилдлик. – Тошкент: Шарқ, 2009. 1-жилд. 487 б.
- 4.3. Ҳошимов Ў. Танланган асарлар. 2 жилдлик. – Тошкент: Шарқ, 2009. 2-жилд. 490 б.

5. Тўплам, газета ва журналлардаги мақолаларга ҳаволалар

- 5.1. Абдуллаев О. Нотаниш оролга саёҳат // Гулистон. – Тошкент, 1991. - №3. - Б. 22.
- 5.2. Иноғомов Р. Халқ ҳаётининг ёрқин тасвири // Қишлоқ ҳақиқати. – Тошкент, 1986. - 14 январ.;
- 5.3. Мирвалиев С. Она ҳақида қўшиқ // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1982. - 3 март.;
- 5.4. Норматов У. Такдирлар романи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1985. - 27 ноябр.;
- 5.5. Расулов А. Роман – эхтирослар ва ҳақиқатлар дунёси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Тошкент, - 1996. -15 октябр.;
- 5.6. Раулов А. Умри уволлар қиссаси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1999. – №6. – Б. 149–152.
- 5.7. Расулов А., Ғуломов Б. Ўқишли китоб // Шарқ юлдузи. –Тошкент, 1974. – №2.
- 5.8. Рустамова М. Насрда руҳият тасвири // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2005. – №1. –Б.151–154.
5. 9. Султонова М. Оила ва ёзувчи позитсияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1980. - №5. – Б.32.;
- 5.10. Улуғов А. Тиниқ тасвирлар таъсири // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2003. – №4. – Б. 149–152.
- 5.11. Шарафиддинов О. Она // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1985. - 5 март.;
- 5.12. Шукуров Н. Дунёнинг ишлари // Гулистон. – Тошкент, 1982. - №3. – Б.16.;
- 5.13. Қўшжонов М. Онага таъзим // Қишлоқ ҳақиқати. – Тошкент, 1982. - 20 март.;

5.14. Гафуров И. Янги саҳифалар таассуроти // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1974. – №8.

6. Интернет сайтлари

6.1. [ҳтп://зиёНет.уз](http://зиёНет.уз)

6.2. [ҳтп:// китоб.уз](http://китоб.уз)

6.3. [ҳтп://Гас – ИХ. Тафаккур. нет](http://Гас – ИХ. Тафаккур. нет)

6.4. [ҳтп://ануметод. уз](http://ануметод. уз)

6.5. [ҳтп://зиёуз.уз](http://зиёуз.уз)